

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларининг машаққатли меҳнати қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
28-iyun
shanba
№ 25 (1452)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ gazhurriyat@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри юртдошлар!

Аввало, Янги Ўзбекистоннинг янги-янгиланган матбуотида, телерадиокомпаниялар, интернет нашрлари, нашриёт ва матбаа корхоналарида, ахборот хизматлари ва платформаларида ўз бурчини шиддат билан адо этиб келаётган сиз, хурматли журналистлар, муҳтарам фахрийларни, барча ижодий ва техник ходимларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Глобал ижтимоий-сиёсий жараёнлар беқис шиддат билан ўзгараётган ҳозирги ўта мураккаб ва нотинч дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсири ҳар қачонгидан ҳам кучли аҳамият касб этаётганини ҳаммамиз сезиб-англаб турибмиз.

Шу маънода, бепоён медиаоламда ҳолис ва ҳаққоний ахборот тарқатиш билан бирга, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қиладиган журналист аҳлининг машаққатли меҳнати муқаддас сарҳадларимизда сергак турган Ватан посбонларининг жасоратига қиёсласак, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Ушбу қутлуғ айёмда мамлакатимизда амалга оширилаётган тарихий ишларга ўз истеъдоди, профессионал маҳорати билан муносиб ҳисса қўшиб келаётган оммавий ахборот воситаларининг барча ходимларига халқимиз номидан юксак ҳурмат ва эзгу тилаклар изҳор этиш мен учун катта шарафдир.

Азиз дўстлар!

Атоқли ҳадид бобомиз Ҳожи Муин айтганидек, **“Матбуот тарихи – Уйғоннинг даври тарихининг бир бўлагидир”**.

Биз кейинги йилларда, улуг аждод-

ларимиз бошлаб берган ибратли айналарни давом эттириб, демократик жамиятнинг муҳим шартини таъминлаш бўлган оммавий ахборот воситаларининг изчил ривожлантиришга устувор эътибор қаратмоқдамиз.

Ана шундай ёндашув туфайли медиа маконимизга илғор лойиҳа ва технологиялар, янгича мулк муносабатлар жадал кириб келмоқда. Республикаимизда фаолият кўрсатаётган 2 минг 400 га яқин оммавий ахборот воситаларининг 65 фоизи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келаётгани, хусусий нашрлар, телерадиокомпаниялар, интернет ресурслари тобора ортиб, улардан фойдаланувчилар сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга етгани, ахборот контентларини яратувчилар сафи кенгайиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизнинг медиа соҳасидаги салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Айниқса, миллий медиаконтентни ривожлантириш йўлида ёш ижодкорлар, мустақил студия ва продюсерлик марказлари фаолияти қўллаб-қувватланаётгани виртуал маконда юксак сифатли, рақобатбардош лойиҳалар пайдо бўлиши учун замин яратмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини, матбуот ва сўз эркинлигининг қонуний ижросини таъминлаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Биз келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш билан бирга, уларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилишга ҳам алоҳида эътибор бермоқдамиз. Бу борада 2030 йилгача болалар учун мўлжалланган миллий контентлар,

жумладан, нашр маҳсулотлари фойда солигидан озод қилиниб, ижтимоий солиқ 1 фоиз миқдорда белгилангани, қўшилган қиймат солигини қайтариш тартиби жорий этилгани муҳим қадам бўлди.

Ана шу ўзгаришларнинг давоми сифатида яқинда Болалар контентини ривожлантириш марказини ташкил этдик. Ушбу марказ ёш авлодимизни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларни эзгулик ва маърифатга ошно этиш бўйича амалий ҳаракатларни бошлаб юборгани албатта эътиборлидир.

Бу ҳақда гапирганда, онлайн-платформа ва веб-сайтлар фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани ҳам қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда сунъий интеллект технологияларининг шиддат билан ривожланаётгани журналистика учун катта имкониятлар очиб берди, бу борадаги ишларимизни замон талабларига мос ҳолда йўлга қўйишни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ўз касбини, она тили билан бирга хорижий тилларни, IT технологияларини пухта эгаллаган, жонкуяр ва ватанпарвар янги журналистлар авлоди етишиб келаётгани барчамизни хурсанд қилади.

Айни вақтда оммавий ахборот воситаларида ҳолислик ва қонун устуворлигини таъминлаш, профессионал билим ва маҳоратни ошириб бориш, ахборот тарқатишнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, аҳоли ўртасида ахборот, баҳс ва мулоқот маданиятини шакллантириш, жамиятимиздаги турли иллатлар, коррупция балосига қарши ку-

рашиш каби долзарб вазифалар бўйича ҳали кўп иш қилишимиз зарур.

Қадри оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Мамлакатимиз журналистлари ва ижодий жамоалари томонидан билдирилган тақдирларни инобатга олиб, бу йил “Олтин қалам” миллий мукофоти биринчи марта 27 июнда – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунда топширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун сизларнинг иштирокингизда тантанали равишда тақдирланадиган барча танлов ғолибларини ва юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган соҳа ходимларини чин қалбимдан самимий табриклимаман.

Сизларнинг ҳар бирингиз келгусида ўз тажриба ва маҳорат мактабингизни яратиб, миллий журналистикамиз равнақига янада катта ҳисса қўшасизлар, деб ишонаман.

Ҳеч шубҳасиз, оммавий ахборот воситалари ходимларининг машаққатли меҳнати қадрлаш, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, соҳанинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш бундан буён ҳам Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

Сизларни касб байрамингиз билан яна бир бор чин дилдан табриклаб, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Доимо соғ-омон бўлинг, масъулиятли ва шарафли меҳнатингиздан барака топинг, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ИФТИХОР

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

“ОЛТИН ҚАЛАМ” МАНЗУМАСИ

Ҳаёт мангу этар давом,
Сўнмагай ҳеч меҳру қарам.
Ёруғликка шир бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Халқу Ватан, халқу Ватан,
Олтин даштми, олтин далам.
Сен элга дастгир бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Тошқин солсин ҳар бир суҳан,
Мисли ёмғир, селу жалам.
Дилларга навбахор бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Ватан – дуоғўйим онам,
Ватан – бешикдаги болам,
Номус бўлгил, сен ор бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Гоҳи титраб кетар дунё,
Гоҳи қалқиб турар олам,
Сен огоҳ бўл, хушёр бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Рўйи замин, рўйи замин,
Унсин доим гулу лолам.
Эзгуликка сен ёр бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Она юртим, она юртим,
Олтин кўёш, олтин далам.
Сен нурли ифтихор бўлгил,
“Олтин қалам”, “Олтин қалам”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик таъминини мустаҳкамлашга қўшаётган муносиб ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, Янги Ўзбекистонда эришилаётган улкан ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, юқори малакали, замонавий журналист кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист”
фахрий унвони билан

Дониёров Салим Мусурмонович –
“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” га-
зеталари тахририяти бош муҳаррири

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Мирзаалиев Икболжон Мирзакарим-
ович – “Jadid” газетаси бош муҳаррири

“Дўстлик” ордени билан

Амангелдиева Раихан Қдирбаевна –
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания-
сининг Нукус телерадиокомпанияси
филиали тасвир ёзиш гуруҳи катта
электр механиги, Қорақалпоғистон
Республикаси

Кенжаева Зоҳида Абдуллаевна – Тў-
рақўрғон тумани “Давр” газетаси муҳар-
рири, Наманган вилояти

Матякубов Камол – “Адолат” газетаси
муҳбири

Миршарипов Фарходжон Арислоно-
вич – Фарғона вилояти телерадиоканали
бош муҳаррирининг ўринбосари, Сўх те-
леканални гуруҳ раҳбари

Орипов Шухратжон Орип ўғли – “Биз-
несни ривожлантириш банки” акциядор-
лик тижорат банкининг ахборот хизмати
раҳбари

Рахимов Абдижалол Абдизиятович –
Чиноз тумани “Чиноз ҳаёти” газетаси бош
муҳаррирининг ўринбосари, Тошкент ви-
лояти

Титчук Андрей Георгиевич – Ўзбе-
кистон Миллий телерадиокомпанияси-
нинг “Dunyo bo‘ylab” телеканали ахборот-
информацион дастурлар муҳарририяти
монтажчиси

Уринбоев Сайдулла Мардонович –
Ўзбекистон Миллий телерадиокомпания-
сининг “Madaniyat va ma’rifat” телеканали
телеоператорлар гуруҳи телеоператори
Хасанов Хайдар Хатамжанович – Ўз-
бекистон Миллий телерадиокомпанияси-
нинг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси
директори ўринбосари
Хасанов Рўзимбой – “XXI аср” газета-
сининг Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича муҳбири

II даражали “Соғлом авлод учун”
ордени билан

Нурматов Акбар Норматович – Ўзбе-
кистон журналистика ва оммавий комму-
никациялар университетининг ЮНЕСКО
ва ихтисослашган медиа кафедраси му-
дир

Холбекова Баҳор Шайимовна –
“Ишонч” ва “Ишонч-Доверие” газеталари-
нинг Сирдарё вилояти бўйича муҳбири

“Соғлом турмуш” медали билан

Джумаев Ибраҳим – Навоий вилояти
“Саломатлик” газетаси муҳаррири

(Давоми 2-саҳифада).

ЮЗМА-ЮЗ



КҮП НАРСА, АВВАЛО, ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Сенатор, “Ishonch”
ва “Ishonch-Доверие”
газеталарининг
бош муҳаррири
Хусан ЭРМАТОВ
билан суҳбат

4-6

“ОЛТИН ҚАЛАМ” XIX Миллий мукофоти

учун халқаро танлов ғолиблари

РҲЙХАТИ

Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот
“Gulxan” журнали жамоаси – бош муҳаррир Ҳаса-
нова Заҳро Тўлқуновна

АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР
Энг яхши журналистик материал учун
(босма нашрлар)

1-ўрин – Бўронов Юнус Улашович – “Yangi
O‘zbekiston” газетаси бўлим муҳаррири

1-ўрин – Ҳайитова Лайло Сатторовна – “Вухор
yoshlari” газетаси бош муҳаррири

2-6

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ
КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР
ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши
1-саҳифада).

“Келажак бунёдкори”
медал билан

Ғиёсов Мирали Абдуллоҳ ўғли – Тошкент шаҳридаги “Sharoit plus” нодавлат нотижорат ташкилоти лойиҳа менежери

“Шухрат” медал билан

Абилов Фазлиддин Ибрагимович – “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти бош муҳаррирининг ўринбосари

Авазов Дилмурод Батирович – “Orient Dolor” радиоси мусиқа муҳаррири

Адилова Муножот Асроровна – “Daryo.uz” интернет нашрининг таҳрир бўлими мусаввирчиси

Асанов Элдар Энверович – “Asanov formati” телеграм канали асосчиси, блогер

Аҳатов Собит Темирович – “Xabar.uz” интернет нашрининг ахборот-коммуникация технологиялари ва инновациялар бўлими муҳаррири

Гапирова Нигора Умурзаковна – “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг муқовалаш цехи муқоваловчиси

Джумаев Хидоят Иноятovich – Бу-

хоро вилоти телерадиоканалининг ижодий ишлаб чиқариш гуруҳи телеоператори

Каршиев Азиз Ражабович – “Kun.uz” интернет нашри муҳаррири
Корабев Шамшидин – Фарғона вилоти оммавий ахборот воситалари фахрийлар кенгаши фаоли, фотосуратчи

Мадатова Зилола Мухамадалиевна – “Маърифат” газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари

Макаренко Никита Анатольевич – Ижтимоий тармоқлардаги “Effekt Makarenko” саҳифаси асосчиси, блогер

Маматрайимов Холмумин Норкobilovich – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Сурхондарё вилоти бўйича шарҳловчиси

Муминова Гулрух Комиловна – Самарқанд вилоти “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари таҳририяти махсус муҳбири

Муслимов Шухрат Зикруллаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston MTRK teleradiomarkazi” давлат муассасаси телевидение ва радио кўчма техника хизмати бошлиғи

Нур Аҳмад Ҳожибой ўғли – Тошкент шаҳридаги “SAS-Media” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

Раббимов Камолитдин Мухидди-

нович – “Kamoliddin Rabbimov” телеграм канали асосчиси, сиёсатшунос ва блогер

Рахимов Сарваржон Хамиджонович – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” ижодий бирлашмаси сиёсий шарҳловчиси
Рашидова Наргизахон Рашидовна – “Менинг юртим” телеканали эфирга узатиш бўлими муҳаррири

Сакаева Элина Ибрагимовна – “Gazeta.uz” интернет нашри муҳаррири

Саматова Салима Абдиназаровна – Касби тумани ахборот-кутубхона марказининг абонемент ва фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси, Қашқадарё вилоти

Хамидов Хайрулла Убайдуллаевич – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” ижодий бирлашмаси шарҳловчиси

Шерова Лазиза Шомилловна – “Ўзбекистон овози” газетасининг парламент фаолияти бўлими мудир

Яқубжоновна Нилуфар Ойбековна – Андижон вилоти телерадиоканалининг радио гуруҳи катта муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 26 июнь

ШУКУҲ

ИЖОД АҲЛИГА
ЮКСАК ИШОНЧ

27 июнь — Ўзбекистонда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун. Бу сана ҳар йили фахр ва эҳтиром, теран миннатдорлик ва фидокорлик ила қутиб олинади. Бу кун — қалам билан жамиятни уйғотган, микрофон орқали халқ овозини жаҳонга эшиттирган, экран орқали ҳақиқатни кўрсатган ва интернет воситасида фикр майдонини кенгайтирган барча ижодкорлар байрами ҳисобланади.

Бу йилги байрам алоҳида руҳда, юксак савияда ўтди. “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ташкил этилган “Олтин қалам” XIX Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими нафақат журналистика, балки кенг жамият ахли эътиборини тортиди.

Тантанали тадбирда жамиятимизда ахборот соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, сўз эркинлиги ва касб профессионализи борасидаги янгиланишлар яна бир бор ёрқин намён бўлди. Маросимда Президент табриги ўқиб эшиттирилди. Мамлакат раҳбарининг самимий тилаклари — бугунги мураккаб медиа муҳитида ҳам ўз адолатли позициясини йўқотмаган, миллат ва Ватан манфаатини қаламига байроқ қилган журналистлар учун беқиёс маънавий қувват манбаи бўлди.

Матбуот ва ОАВ ходимларига йўланган Президент табригини Президент Матбуот котиби Шерзод



Асадов ўқиб эшиттирди. Унда, хусусан, ОАВ ходимларининг мамлакат тараққиётидаги ўрни, уларнинг жамият онига таъсири ва ахборот майдонидagi масъулияти алоҳида қайд этилди.

Маросимда, шунингдек, Давлатимиз раҳбари фармонида биноан журналистика соҳаси ривожига катта ҳисса қўшган, ҳалол ва садоқатли меҳнати билан эътироф толган бир гуруҳ соҳа фидойиларига давлат мукофотлари топширилди. Ушбу юксак мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева тантанали равишда топширди. Бу эса журналистик фаолияти жамиятимизда нечоғлиқ муҳим ва таъсири касб эканини яна бир бор исботлади.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун XIX халқаро танлови ташкилий кўмитаси раиси Х.Салимов юртимизда матбуот ва сўз эркинлигининг қўллаб-қувватланаётгани ва Ўзбекистонда журналистикага эътиборнинг юксак эканлигини алоҳида таъкидлади. Таъкидланганидек, бу йилги “Олтин қалам” танловига жами 499 нафар журналист 3251 та ижодий ишлар билан қатнашди. Бу — ҳар бир юрдошимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришларни кузатиш ва халқ дardини ёритишга бўлган юксак масъулият ва садоқат белгисидир.

3-6

“ОЛТИН ҚАЛАМ” XIX Миллий мукофоти
учун халқаро танлов ғолиблари
РЎЙҲАТИ

1-6

2-ўрин – Бозоров Фахриддин Худойбердиевич – “Xalq so‘zi” газетаси иқтисодиёт бўлими муҳаррири

2-ўрин – Қосимов Холбой – “Имконият” газетасининг Самарқанд вилоти бўйича муҳбири

3-ўрин – “Jamiyat” газетаси жамоаси – бош муҳаррир Маҳсуд Жониқонов

Энг яхши журналистик материал
учун (радио)

1-ўрин – Махаммадсаидова Ҳалима Файзуллаевна – “O‘zbekiston” радиоканали катта муҳаррири

2-ўрин – Қосимова Шаҳноза Шомуродовна – “Oltin vo‘na” радиоканали гуруҳининг 2-тоифали муҳаррири

3-ўрин – Азимова Моҳигул Махаммадуловна – “Yoshlar” радиоканали “Кўнгилочар-мусиқий дастурлари” бўлими мудир

Энг яхши журналистик материал
учун (телевидение)

1-ўрин – “Mening yurtim” телеканали жамоаси – телеканал раҳбари Аҳмедов Қобулжон Холиқович

2-ўрин – Мардонов Жаҳонгир Аҳмад ўғли – “O‘zbekiston 24” телеканали “Тахлилнома” ахборот-таҳлилий дастурий бўлимининг 1-тоифали муҳаррири

2-ўрин – Ҳасанбоев Олимжон Аҳмаджон ўғли – “Milliy telekanali” муҳбири

3-ўрин – Жаббарбергенова Зулфия Жанназаровна – Қорақалпоғистон телеканали “Ижтимоий сиёсий ва ижтимоий иқтисодий дастурлари” бош муҳарририятининг бош муҳаррири

Энг яхши журналистик материал
учун (интернет нашрлари)

1-ўрин – Исмолова Фарида Аҳмад кизи – “Dunyo” ахборот агентлиги бош мутахассиси

2-ўрин – Жонибеков Зиёдулла Тоштемирович – Ўзбекистон Мил-

лий ахборот агентлигининг бўлим маркази бошлиғи

3-ўрин – Сабуров Руслан Шомуродович – “Kun.uz” интернет нашри муҳбири

Чет эллик журналистнинг
Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши
материали учун

1-ўрин – Мадибек Жанибеков – “Казинформ” ахборот агентлиги бўлим бошлиғи (Қозоғистон Республикаси)

М.Жанибеков икки қардош халқ, ўзбек-қозоқ муносабатларини янада ривожлантириш, ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг муаллифлигида “Казинформ” ахборот агентлигида Ўзбекистонга бағишланган 50 дан ортиқ таҳлилий мақолалар эълон қилинган.

2-ўрин – Йеши Сели – “Business India” бизнес журнали муҳаррири (Ҳиндистон)

Й.Сели Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолайди. Унинг муаллифлигида “The New Indian Express” газетаси ҳамда “Business India” журналида Ўзбекистондаги ислохотларга бағишланган туркум мақолалар бериб борилмоқда.

2-ўрин – Раза Саид – “The London Post” ахборот портали муҳаррири (Буюк Британия)

Р.Саид Ўзбекистондаги ислохотларни кенг қўллаб-қувватлаб, буни Бирлашган Қироллик жамоатчилигига етказишда доимо фаоллик кўрсатиб келмоқда. Унинг муаллифлигида Янги Ўзбекистон тараққиётига бағишланган “EM Insight” журналининг биринчи сони нашр этилди. Нашрнинг 10 минг нусхадан иборат адади дипломатик корпус ва эксперт-сиёсатшунослик ҳамжамияти орасида, шунингдек, Буюк Британиянинг етакчи университети, Оксфорд университети, Империял ва Кингс коллежлари кутубхоналарида тарқатилди.

2-ўрин – Шоҳруҳбек Олимов – “TRT” телеканали муҳбири (Туркия Республикаси)

У сўнги йилларда “TRT” телеканали орқали Ўзбекистон ҳақида 250 дан ортиқ жонли эфирларни узатди. Ўзбекистон-Туркия ўртасидаги стратегик шериклик алоқаларининг турли соҳалар, жумладан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-адабий ҳаётида эришилаётган ютуқлари орқали кенг тарғиб қилиб келмоқда.

2-ўрин – Дмитрий Поваров “РИА Новости” ахборот агентлиги муҳбири (Россия Федерацияси)

Унинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари ҳақидаги туркум мақолалари, тезкор янгилликлари катта қизиқиш билан ўқиб борилади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар
учун номинациялар ғолиблари

1. Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиётни тарғиб қилувчи энг яхши материаллар учун

Эрматов Пулат Бахтиёрвич (Эрпўлат Бахт) – “Oila va tabiat” газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоти бўйича муҳбири

2. Давлат тилини ривожлантириш, нуфузини янада оширишга бағишланган энг яхши таҳлилий материаллар учун

Баймуратов Баҳром Янгибаевич – “Yangi Sirdaryo” газетаси бош муҳаррири (Сирдарё вилоти)

3. Ёшлар ҳаётига оид энг яхши материаллар учун

Абдусаматова Муқаддас – эркин ижодкор

4. ОАВда эълон қилинган энг яхши миллий контент (материаллар) учун

Мамарасулов Умиджон Алижон ўғли – “Daryo.uz” интернет нашрининг Андижон вилоти бўйича муҳбири, блогер

5. Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар ёритилган энг яхши материаллар учун

Қирғизбоев Дилмурод – “Hurriyat” мустақил газетаси бўлим муҳаррири

6. Публицистик жанрдаги энг яхши китоб учун

Ҳазратқулов Маматқул – “Guliston” ва “Teat” журналлари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари – “Қирғоқсиз дарёлар” китоби учун

7. Спорт соҳаси ёритилган энг яхши материаллар учун

Садиров Сухробжон Обиджон ўғли – “Toshkent haqiqati” ва “Ташкентскае правда” газеталари бош муҳаррири ўринбосари

8. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига бағишланган энг яхши материаллар учун

Нормуродова Инобат Қодировна – Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканали сиёсий шарҳловчиси

9. Энг яхши фоторепортаж учун

Хусниддин Ато – фотоблогер

10. Оила ва маҳалла ҳамкорлиги бўйича энг яхши ёритилган материаллар учун

Абдурахимов Муслимбек Фозил ўғли – “Zo‘rtv” телеканали “Bu kun” янгилликлар дастури раҳбари

11. Долзарб мавзудаги энг яхши танқидий-таҳлилий материаллар учун

Шайхов Қамариддин Қутбиддин ўғли – “Qalampir.uz” интернет нашри директори, блогер

12. Умуммиллий ҳамжиҳатликни тарғиб қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилган энг яхши материаллар учун

Юлдашев Фаридун Фархадович – “Овози тожик” газетаси муҳбири

ДИЛ СЎЗИ

ОНАМ ДУОЛАРИ
ҚЎЛЛАБ...

Юнус БҮРОНОВ, “Янги Ўзбекистон” газетаси бўлим муҳаррири, “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун XIX халқаро танловининг “Энг яхши журналистик материал учун” (босма нашрлар) бўйича биринчи ўрин соҳиб:

— Кеч бўлганда Журналистлар уюшмасидан кўнги-роқ қилиб, эртага “Ўзбекистон” анжуманлар саройига келишим лозимлигини, мен учун яхши янгиллик борлигини сирли оҳангда айтишганида, гапнинг очиги, бошқача бўлиб кетдим. “Наҳотки менинг ҳам камтарона ижодимни журналистлар ўртасида ўтказиладиган нуфузли мукофот – “Олтин қалам” мукофотига муносиб қўришган бўлса?” деган савол, ширин бир мужда ўтди кўнглимдан. Бунга ишонимни қийин эди. Алланечук бўлиб кетдим. Жуда хурсанд бўлдим.

Бу янгилликни эшитиб, биринчи қишлоққа – онамга телефон қилдим. Бу ютуғимни, қувончимни онам билан бўлишим, волидамни хурсанд қилишни чин дилдан истадим. Ахир ҳар бир инсоннинг ютуғидан она каби кўнглидан севинадиган, ўзингдан-да кўпроқ қувонадиган ОДАМ бўлмаса керак.

— Мукофотланганимни телевизордан кўрсатишадими, болам? — деб сўради волидам.

Ишончим қомил, онажоним кеча барча ишларини йиғиштириб қўйиб, кун бўйи телевизор қаршисида ўтирган бўлса керак.

Она, сизга ўғлингизнинг “Олтин қалам” мукофоти муборак бўлсин! Бу сизнинг заҳматли меҳнатларингиз самараси! Барчаси учун сизга қуллук, она. Сизнинг дуоларингиз сабаб бошим банд, Яратганга шукрки, омад ҳам келиб турибди.

Фурсатдан фойдаланиб, танлов ҳакамлар ҳайъатига, барча устозларимга ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни билдираман. Бу рағбат келгусидаги ижодий фаолиятимга янги куч, ғайрат бериши шубҳасиз.

Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг ижод аҳлига, матбуот аҳлига эътиборидан мамнунимиз.

ИЖОД АҲЛИГА ЮКСАК ИШОНЧ



2-6. Танлов тарихига назар ташласак, у 2006 йилдан бери ҳар йили анъанавий тарзда ташкил қилинади. 2007 йилдан бошлаб бош миллий мукофот ҳам жорий этилди. Танлов доирасида ҳар йили телевидение, радио, босма нашрлар ва интернет-журналистика йўналишларида 1, 2, 3-ўринлар ҳамда 12 та рағбатлантирувчи номинация бўйича ғолиблар аниқланади. Жорий йилда “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун” номинациясида ҳам 40 дан ортиқ давлатдан 87 нафар журналист иштирок этди.

Биз бу йилги ғолиб ва совриндорларидан айримларининг дил сўзларини ҳам ёзиб олдик.

Захро ҲАСАНОВА,
“Gulxan” журнали бош муҳаррири,
“Олтин қалам” Миллий мукофоти учун XIX халқаро танловининг Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот (“Gulxan” журнали жамоаси) ғолиби:

БУ ФАХР БИЗНИКИ ЭМАС — БУ БОЛАЛАРИМИЗНИКИ!

Бугун қалбимизда гурур ва ҳаяжон, кўзларимизда эса қувонч ёшлари... Чунки йиллар давомида болалар қалби, орузлари ва тасаввурулари учун меҳнат қилган “Гулхан” болалар журнали

жамоасининг фидокорона сай-ҳаракатлари ниҳоят юксак баҳосини олди. “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун XIX халқаро танловининг Бош миллий мукофоти — Президент совғаси



“Chevrolet Onix” автомобили журналимизга, жамоамизга насиб этди!

Бу эътибор — нафақат журналимизни, балки бугун болаларимизни, ёш авлодни, уларнинг орзу-умидларини эъозлашнинг яққол белгисидир. “Гулхан” — бу шунчаки журнал эмас. Бу — ҳар бир саҳифасида эзгулик, меҳр, ватанпарварлик, дўстлик ва болалар учун чинакам ҳаёт мактаби мужассам бўлган юракдан юракка ёзилган фидойилик маҳсули.

Бугун ушбу юксак эътирофни қабул қилиб олар эканмиз, аввало, бу йўлда елкадош бўлган жамоамизга, адабиёт, журналистика ва болалар тарбиясига бефарқ бўлмаган муҳтарам Президентимизга, устозларимизга, ижодкорларимизга, муҳлис болажонларимизга чуқур миннатдорчилигимизни билдираемиз.

“Гулхан” бугун нафақат мукофот олди, балки яна бир ҳақиқатни исботлади: болалар учун ишлаш — энг шарафли ва масъулиятли бурчдир! Биз келажақда ҳам бу йўлдан чекинмаймиз. Ҳар бир болакайнинг қалбида эзгулик, ҳаётга муҳаббат, китобга, Ватанга садоқат уйғотадиган нашр бўлиб қоламиз!

Ҳалима МАҲАМАДСАИДОВА,
“O‘zbekiston” радиоканали катта муҳаррири, “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун XIX халқаро танловининг “Энг яхши журналистик материал учун” (радио) номинацияси биринчи ўрин ғолиби:

ОВОЗ ОРҚАЛИ ЮРАКЛАРГА ЕТИБ БОРИШ — БУ САНЪАТ, БУ ФИДОЙИЛИК, БУ ИШОНЧДИР!

Бугун қалбимизда сўзга сиғмайдиган бир ҳаяжон бор. Бу ҳаяжон — миннатдорчилик, масъулият ва албатта, ифтихор билан тўла. “Олтин қалам” халқаро танловида радио йўналиши бўйича 1-ўринга сазовор бўлиш — бу оддий бир ғалаба эмас, бу — бир умр микрофон ортида сарфланган фидойилик, эътибор ва эшитувчига садоқатнинг юксак эътирофидир.

Радио — бу овоз санъати. У кўзсиз кўрсатар, қўлсиз тутар, юраксиз эшиттирадиган кучдир. Ҳар бир эшиттириш — юракдан юракка йўл топиши керак. Ҳар бир сония — тингловчининг ишончи билан тўлдирилиши лозим. Мен йиллар давомида мана шу фидойилик тамойилига содиқ бўлиб иш юритдим. Бугун эса бу меҳнат эътирофи билан бўлса, демак, овозим юракларга етиб борган.

Бу мукофот — меники эмас, у бизни тинглаган миллионлаб юртдошларимизники, мен билан елкама-елка меҳнат қилган тажрибали, бағрикенг устоз ва ҳамкасбларники, ҳар бир эшиттиришни ҳаётимдек қабул қилган ижодкор қалбникидир.

“Ўзбекистон” радиоканали — бу Ватанимизнинг овози, юрагининг ритми, халқ билан халқни, авлод билан авлодни боғлайдиган кўприқдир.

Мен эса шу кўприқда сўз, маърифат, меҳр ва ҳақиқат билан юришга ҳаракат қилган оддий хизматкорман. Бугунги мукофот менга шуни яна бир бор англадики — ҳалол, пок ният билан қилинадиган ҳар қандай меҳнат эътирофи этилмасдан қолмайди!

Қобулжон АХМЕДОВ,
“Mening yurtim” телеканали раҳбари, “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун XIX халқаро танловининг “Энг яхши журналистик материал учун” (телевидение) номинацияси биринчи ўрин ғолиби:

ЭКРАН ОРҚАСИДА ТУРГАН ҲАҚИҚАТ — БУ ХАЛҚ, БУ ЮРАК, БУ МАСЪУЛИЯТ!

Бугун “Менинг юртим” телеканали жамоаси учун тарихий кун. Бугун биз нафақат мукофот олдик — биз халқнинг эътирофини, журналистик жасоратимизга бўлган ишончини, кўнгилларга етиб борувчи ҳақиқатга берилган энг олий баҳони олдик. “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловда телевидение йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ деб топилиш — бу биз учун катта шараф, улкан фахр, айна пайтда масъулиятдир!

Телевидение бу — кўриш, эшитиш, ҳис қилиш, англаш ва ҳаракатга чорлов санъатидир. Ҳар бир кадр ортида тунларни тонга улаган ижодкорлар, камерани елкада кўтарган фидойилар, монтажхонада суккутда ишлайдиган профессионал муҳаррирлар, эфирда табассум ила хушхабар улашайтган бошловчилар туради. Биз — “Менинг юртим” телеканали жамоаси — бир мақсад, бир рух, бир қалб атрофида бирлашган ижодкорлар оиласимиз.

Бу ғалаба фақат меники эмас. Бу — жамоамники. Бу — камера ортидаги кўзга кўринмас қахрамонлар, саҳнага чиққан- чиқмаган, лекин фикри, руҳи билан ҳар дақиқада эфирни тўлдириб турган ҳар бир ижодкорники. Улар билан фахрланаман!

Лайло ҲАЙИТОВА,
“Buxoro yoshlari” газетаси бош муҳаррири,
“Олтин қалам” Миллий мукофоти учун XIX халқаро танловининг “Энг яхши журналистик материал учун” (босма нашрлар) номинацияси биринчи ўрин ғолиби:

БУ МУКОФОТ — ЁШЛАРГА ИШОНЧ, БИЗГА МАСЪУЛИЯТДИР!

Бугун қалам аҳли учун унутилмас кун. Бугун СЎЗ ғолиб бўлди, ҳақиқат эътироф этилди. Бугун “Олтин қалам” танлови ғолибларини тақдирлаш маросимида Босма нашрлар йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаганимиз ҳақида саҳнада номимиз жаранглаганида, юрагимда ҳар бир сўзининг, ҳар бир сатрнинг, ҳар бир сарлавҳанинг машаққати, юки ва масъулияти кўз олдидан ўтди. Бу — оддий бир мукофот эмас. Бу — ёшларга аталган эътибор, уларнинг дардини, орузларини, оромини ёзишда бизга билдирилган буюк ишонч!

“Бухоро ёшлари” газетаси — бу оддий нашр эмас. Бу — бир авлоднинг кўзгуси, замон билан ҳамқадам фикрловчи, қалби уйғоқ ёшлар минбаридир. Биз газета саҳифаларига юрагимизни қуямиз. Ҳар бир мақола — ёшлар билан юзма-юз суҳбат, ҳар бир лавҳа — ҳаётнинг жонли тасвири.

Мен ушбу эътирофни бугун иззат билан қабул қилар эканман, аввало, ўз жамоамга — фидойи ижодкорлар, таҳририятда тунларни тонга улаган касбдошларимга миннатдорлик билдираман.

Чиндан ҳам, тантанали тадбирда яратилган байрамона муҳит, миллий либослардаги санъаткорлар, чолғувчиларнинг чиқишлари, “Президент совғаси” деб ёзиб қўйилган миллий автомобилнинг намойиш этилиши, Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига атаб тайёрланган баннерлар... буларнинг барча-барчаси тадбирга нафақат давлат, балки жамият ҳам қандай юксак эътибор билан ёндашишини кўрсатди.

Инчунин, “Олтин қалам” — бу шунчаки мукофот эмас, бу ижодкор аҳли учун масъулият ва ишонч рамзи. У замон билан ҳамнафас, жамият сўзга муҳтож эканини ҳис этган қалам эгаларининг юрагида ёнади.

Ислом АСИЛБЕКОВ ёзиб олди.

ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ

Мамлакатимизда фаолият юритаётган барча журналистларни, ОАВ вакилларини, фидойи устозларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан табриқлайди!

Сиз азиз ҳамкасбларимизга узоқ умр, бахт-саодат, ижод ва изланиш бахтини тилаймиз!

Янги Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлигига эътибор, ижод аҳлига ғамхўрлик йилдан-йилга ошиб бормоқда. Заҳматли, аммо гоятда савобли касбингизга омад ҳамда муваффақиятлар тилаймиз!

Юртимизда рўёбга чиқарилаётган тарихий ўзгаришлар, улкан ислохотлар мазмун-моҳиятини халқимизга етказишда, элдошларимизни ҳамisha уйғоқликка, фидойиликка чорлаб келаётган сиз азизларга бахт-иқбол доимо ёр бўлсин!

Адолат, ҳолислик ва жасорат — иш мезонимиз бўлсин!

Қутлуғ байрам муборак бўлсин!

КҮП НАРСА, АВВАЛО, ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Сенатор, “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталарининг бош муҳаррири Ҳусан ЭРМАТОВ билан суҳбат

— Ҳусан ака, сизнинг ижтимоий тармоқдаги саҳифангизни доимо кузатиб бораман. Танқидий ва ўринли муносабатларингиз ҳамкасбларимиз даврасида қизгин муҳокамага сабаб бўлганига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Келинг, байрам байрамдек, суҳбат суҳбатдек бўлсин, дастлаб сўзингизни жорий йилнинг 10 июнь кунини жойлаган мулоҳазаларингиз шуқуҳи билан бошлайлик...

— 9 июнь кунини Москвада эдим. МДХ Парламентларо Форумида ўзбек парламенти вакили сифатида қатнашдим ва сўзга чиқдим. Тўғриси, Давлат Думаси мажлислар залида Пушкиннинг шеърини ҳали ўзбек тилида ҳеч ким ўқимаган бўлса керак. Ва яна бир матбуот йилганларнинг катта қизиқишга сабаб бўлди: Президентимиз ташаббуси билан “Рус адабиёти дурдоналари” туркумидан 100 жиллик тўпламининг нашр этилгани. Гап бу ерда Президентнинг китобхонлиққа, адабиётга, қолаверса, адабиётда алоҳида ўрин тутган рус адабиётининг гузал дурдоналари ўзбек ўқувчисига етиб боришига бўлган эътиборида эди. Кечқурун Форум иштирокчиларига қабул маросими ташкил этилди ва унда асосий қаҳрамон Ўзбекистон ва унинг вакиллари, яъни биз бўлдик. Ёнимда ўтирган Қозоғистон парламенти вакили ўзбек футболининг бу улкан ютуғидан мендан кам хурсанд бўлгани йўқ, қолаверса, ҳар бир гоним барча йилганлар ўрнидан туриб қарши олишди. Даврадошларим бир овоздан ЖЧда Ўзбекистонга мухлислик қилишга ваъда беришди. Кечаги кайфиятим ҳадди аъло бўлганини таърифлашга сўз топиш қийин. Қалбим ғурур ва ифтихорга тўлди, қўшни қардошларимиз мен билан қучоқлашиб, бу галабани ўзлариники қабул қилишгандан беҳад кувондим. Мана шу илқилик, самимийликни яқин етти-саккиз йил олдин ҳаёлимизга ҳам келтирган эмасмиз. Бу, аслида, минтақамиз, халқларимиз учун бебаҳо неъмат ва ютуқдир. Бунга эришишда хурматли Юртбошимиз озмуноча ҳаракат қилдиларими?

Ютуқлар, галабалар покиза қалбли инсонларга, одилона сиёсат, аҳилчилик, самимият, эзгуликка йўрилган ишлар билан келади. Азиз дўстлар, футболнинг ривожига ақинда бўлиб ўтган тадбир, унда Президентнинг шахсан иштирок этиши, бутун стадион гувоҳлигида фарзандларини сийлагани, уларга муқофотлар бериб, чин оталик меҳрини кўрсатгани, қолаверса, бир неча давлат раҳбарларини, ҳукуматлар бошлиқларини турнақатор қилиб олиб борганлари қанчалар катта туртки, рағбат боришини тасаввур қилиб кўрайлик. Илоҳим, юртимизга, Юртбошимизга кўз тегмасин. Барчамиз мана шу азгу ниятлар йўлида йўлбошимизга елқадош бўлайлик! Футболимиз ҳам, она Ватанимизнинг ҳар бир жабҳадаги қадамлари ҳам шиддатли, ғолибона бўлаверсин!

— Илоҳим. Айтганингиз келсин Ҳусан ака, Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли адиб, маҳоратли таржумон Иброҳим Ғафуров “Фитрат ва миллат танқиди” деб номланган мақо-

ласида шундай дейди: “Европа хабарсизликка қарши бир қуролни ўйлаб топдики, у ҳар қандай маърифатли амрдан ҳам қудратлироқ ва таъсирчанроқ бўлиб чиқди. Мен газетани назарда тутяпман. Туронда ёппасига хабарсизликка қарши жангни энг муваффақиятли суръатда олиб борган нарсаси рустдан ҳам газета, босма китоб ва журналлар бўлди. Тараққийпарварларимиз газета миллатнинг қиёфасини шакллантирадиган тенгсиз мураббий эканлигини тез англаб етдилар”. Бугунги кунимизда эса...

— Гапни чўзмасдан, индалпога ўтаман. Биз кўп йиллар давомида газеталардан, асосан, мафкура қуроли сифатида фойдаланиб келганмиз. Натижада журналистикада кўп нарсаси йўқотдик. Шу ўринда бир тақлифим бор: юртимиздаги зиёли катлам вакиллари — адиблар, педагоглар, файласуфлар, сиёсатшунослардан иборат бир холис кенгаш тузилса... Улар газеталарни бир варақлаб, босма нашрлар савиясига баҳо беришса. Ташқаридан туриб “Газета нимага керак, унда нима бор?” деган гапни айтиш жуда осон бўлиб қолди. Қанчон бир газета ўқигандингиз, десангиз, жавоби йўқ. Бу инсофдан эмас. Бугун ҳам жиддий таҳлиллар бор газеталарда, танқид ҳам етарли. Фақат унга эътибор ҳавас қиларлик эмас.

Мутасаддиларда ҳам савод, илм даражаси одамни уялтирадиган аҳволда бўлиб ётибди. Кўпинча вазирилик ва идоралар биз қўяётган саволларга қандай жавоб бериш кераклигига салоҳиятлари етмай қоляпти. Мен буни жуда ачинарли ҳол, деб ўйлайман. Энг муҳим йўналишларда — иқтисодиёт, таълим, қишлоқ хўжалиги йўналишларида таҳририятимиз қўйган саволларга қониқш хосил қилса бўладиган жавоблар ололмаймиз. Нега шундай бўляпти, мана бу бизни ўйлатиши лозим, аслида.

Ҳозир бутун дунёда ҳам босма нашрлар биз кўраётган муаммоларга дуч келаётгани бор гап. Уларнинг ададлари камайётгани ҳам рост. Бироқ бу дегани улар эгасиз қолиб кетяпти, дегани эмас.

Масалан, яқинда Москвада бўлган чоғимда таниқли журналист Ольга Владимировна билан шу мавзуда суҳбатлашиб қолдим. Буни қарангки, шунча машаққатларга қарамай, Россияда айни пайтда 100 минглаб нусхада нашр этилаётган газеталар ҳам бор экан. Тиражи шундай бўлган газеталардан бирини қизиқиб варақлаб кўрдим. Тўғриси айтсам, мени ҳайратга соладиган ўзгариш ёки янгилик топганим йўқ.

Қизиғи, ҳали-ҳаном руслар газетадан мафкура тарғиботчиси сифатида жиддий фойдаланишмоқда. Меҳмонхоналарда нонуштага тушсангиз, ҳеч қурса, икки-учта газетани тақдим қилишади, бепул. Ўқийди одамлар. Меҳмонхонага жойлашганларнинг орасида бошқа юртининг одамлари қанча? Демак, уларга Россия пропагандаси ўзининг юмшоқ кучи билан таъсир қилляпти. Бу, аслида, муҳим масала.

— Ўтган 2024 йилда сизнинг “Сокин дарё мавжлари” номли янги китобингиз нашрдан

чиқди. Бу китоб юртимиз зиёлилари ва ёш журналистлар учун ўзига хос туҳфа бўлди, десак, адашмаган бўламиз. Унда жамланган суҳбатларингиздан бирида: “Бугунги журналистикамиздан қониқмайман. Яхши журналистлар кам. Давлат сиёсати, ташқи алоқалар, умуман олганда, миллий манфаатларимизни етарлича ёрита оладиган ОАВ йўқ”, дея фикр билдиргансиз...

— Назаримда, асосий гап ўзимизда. Йиллар давомида газеталарга мажбурий обунга зўр бериб, уларга босимлар ўтказиб келинди. Ўн йиллаб танқид берилмади, муаммолар кўтарилмади. Жамиятда кучли иқтисодчи, кучли таҳлилчи, сиёсий шарҳловчиларга эҳтиёж ҳам сўндирилди. Қарабсизки, энди иқтисодий таҳлил йўқ, дея жар соламиз. Ростдан ҳам иқтисодни яхши тушунадиган, жараёнларга теран нигоҳ билан муносабат билдирга оладиган журналистлар топилмапти. Ёки сиёсий шарҳларни олайлик. Биз хабарчи бўлиб қолганмиз, бу воқеаларнинг туб илдизига етиб борадиган, сабаб ва оқибатлари ҳақида жиддий мулоҳаза билдирга оладиган мутахассисларга ҳам эҳтиёжимиз катта. Бу фақат газетада эмас, теле ва радиожурналистларимиз орасида ҳам катта муаммо бўлиб ётибди. Жамиятда илгари эҳтиёжни йиллар давомида сўндирганимизнинг оқибатлари мана шулар-да. Ҳозирда ОАВнинг бирон-бир турида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш туғул, бу масалага яқин келаётганлари ҳам йўқ ҳисоби.

Эртага бизни нима кутяпти? Бу савол атрофда мулоҳаза юритиш ўрнига фақат бир-биримизни қоралаш, айблаш, беъмаъни ва майда масалалар атрофида тортишиш билан оворамиз. Аксарият зиёлиларимизнинг қарчилари бугунги мезонларга мос келмаслигидан баъзан жуда ҳафта бўлиб кетаман. Айни давр тарихини яратадиган инсонларимиз. Яратма оляпимизми? Йўқ, менимча.

Энди замонавий журналистикани қандай ривожлантириш борасидаги мулоҳазаларни ўртага ташлашимиз муҳимдир. Биз ижтимоий-сиёсий таҳлилни, иқтисодий шарҳларни тайёрлаш масаласида ниҳоятда оқсаямиз.

Президентимиз миллий контентни ўзимиз яратишимиз керак, дедилар. Бу, аслида, биз журналистларга қарата айтилган энг катта танбех. Миллий контент яратма олмаётган қавмга давлат раҳбарининг эътирози бу. Яна бир ўринда Юртбошимиз қалам аҳлини мудофаа ва хавфсизлик соҳасидан аҳамияти жиҳатидан қолишмайдиган соҳа деб қайд этди.

Атрофга қаранг, бугун ахборот майдонларидаги “жанг”лар уруш майдонларидаги тўқнашувлардан кам бўлаётгани йўқ. Демак, миллий контентнинг эгаси ўзимиз чиқмас эканмиз, биз бекор юрибмиз бу соҳада.

— Дарҳақиқат, шу ўринда “Vatan” журнали ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Назаримда, миллий контент макомига тўғри келадиган санокли контентлардан бири “Vatan” дир...

— Юртбошимизнинг Миллий контент ҳақидаги фикрларидан кейин муассисимиз Ўзбе-

кстон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Мирсоатович Рафиқов бизнинг олдимизга Президентимиз қаҳриқларига қандай жавоб берамиз, деган масалани кўндаланг қўйдилар. Шу тариқа “Vatan” журналига асос солинди. Ўтган йилдан журнал ҳар чоракда нашр этила бошланди. Биринчи сонини республика бўйлаб барча раҳбарларга тарқатдик. Самарқанд вилоятининг ўша пайтдаги ҳокими Эркинжон Турдимов журнал етиб борган кунидек кўнғирок қилиб: “Бу журналга қандай қилиб обуна бўлиш мумкин? Вилоятимиздаги ҳар бир мактабда мана шундай савиядаги журнал бўлиши истаимиз”, деди. 1272 та, Самарқанддаги шунча мактаб йил давомида “Vatan”ни ўқиди. Қаранг, агар раҳбар чин зиёли бўлса, шундай бўлади-да.

Йил бошида журналнинг инглиз тилидаги версиясини чоп этдик. Унинг тақдиротида 30 дан ортик давлатнинг мамлакатимиздаги элчилари иштирок этишди. Элчиларимиз: “Бу журналнинг ҳар бир сонини бизга етказинглар, юртингиз ҳақида ҳикоя қилувчи зўр журнал экан”, дейишди. Демокримани, газета-журналларимиз, ТВ, радиодаги эшиттириш ва кўрсатувларимиз бугунги кун одамларининг маънавий эҳтиёжига, савиясига жавоб берадиган бўлса, одамлар аста-секин бизга ишона бошлайди.

Яна бир мисол: “Hurriyat” газетасида чоп этилган бир мақолада Бухоро ва Сирдарё вилояти раҳбарлари фаолияти қиёслаб таҳлил қилинган. Сирдарёда аксарият раҳбарлар “Мен иш кунимни газета варақлаш билан бошлайман” деяпти, Бухорода эса бунинг акси.

Уч йил олдин “Ishonch”нинг шу қунгача нашр этилган барча сонларининг “pdf” вариантини шакллантирдик, яъни 30 йиллик тарихни тикладик. Шунда газета нега кераклигига яна бир дастак топдик. Унинг саҳифаларини варақлаганингиз сари бутун бир тарихимизнинг бор воқеликлари кўз ўнгингизда, шурунгида жонланади. Ўша пайтлардаги муҳит ҳавосини сезасиз. Газетаси чиқмаётган Тошкент шаҳар ҳокимлиги наҳотки шу оддий ҳақиқатни англай олмайдими? Мана сизга савол.

Уйлайманки, мана шу ерда юқоридаги учта саволингизнинг жавобларига нукта қўйилапти.

— Илмий иш ҳам қилаётган экансиз. Мавзуси медиаконвергенция йўналишида экан. Бугунги конвергентлашувдан қанчалик қониқсиз?

— Ҳа, илмий тадқиқотлар олиб боришнинг кечи йўқ деб ҳисоблайман. Насиб бўлса, шу кунларда илмий иш ҳимояси бўлиб ўтиши кутилмоқда. Ахир, медиаолам шитоб билан илгарилаб кетмоқда. Агар МДХ доирасида олсак, бу соҳада бир-биримиздан жуда илгарилаб кетар даражада фарқ қилмаймиз. Ҳатто Россияда ҳам конвергенция ҳали мактанарли ҳолда эмас. Ўзимизда қандай? Бир қатор чизгилар бор, сайтлар, медиамарказлар пайдо бўлди, турли шаклдаги контентлар тайёрлапмиз. Бироқ аудитория билан ишлаш борасида,

контентнинг асл эгасини топиш борасида оқсаямиз.

Ҳозир телеканаллар рейтингни кўтариш борасида ҳаракат қилишяпти. Аммо бу ҳам ўзига хос баҳсли масала. Чунки томошабиннинг сифати ҳам ўрганилиши лозим.

— Ҳусан ака, ўзингиз бошловчилик қилаётган “YUZMA-YUZ+” дастури сиёсий тафаккурни ривожлантирадиган ажойиб дастур бўлибди...

— Аслида, бу ҳам ўзимиз ҳақимиздаги ахборотга ўзимиз эгаллик қилишимиз сари қўйилган бир қадам деб ўйлайман. Ҳозир дунёнинг кўплаб халқаро бирлашмалари, давлатлари нигоҳи Ўзбекистонга қадалган. Мен Ўзбекистон дунёга чиқди, деб эмас, Дунё Ўзбекистонга келди, деб айтгим келади. Шундай тарихий даврга келдик. Парламентларо Иттифоқнинг юбилей асамблеясида иттифоқнинг бош котиби Чунгонг жаноблари билан “Юзма-юз+” ёздик. Унинг Ўзбекистон ва унинг Президенти ҳақидаги гапларини ҳаяжонсиз тинглаб бўлмайди. Ҳавас ва ҳайрат билан тўқилганиб гапирди, агар кўрган бўлсангиз.

— Ҳа, кўрдим албатта. Жуда таъсирчан суҳбат бўлди.

— Раҳмат. Шунини аниқ ишонч билан айтишни истардимки, “Марказий Осиё+” формати халқаро ҳамжамият учун алоҳида бир намуна бўла олади, дейишяпти экспертлар. Агар санасак, жудаям кўп гаплар бор. Лекин буларнинг аҳамиятини ёритиб бера оляпимизми? Уйлаб кўрайлик, ҳар қандай мамлакат ОАВси ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиб эфир тайёрлайди. Лекин уларнинг аксари ишонарли, далилларга асосланиб, турли қарашларни тизиб қўйиб, бир сўз билан айтганда, томошабин ёки тингловчин эриктирмасдан ушлаб ўтирди, ҳеч ким бунинг учун уни мадҳолдиққа айбаламайди ҳам. Биз эса кўпинча энг примитив йўлдан бораемиз, констатация, хабарларда бирёқламлик дарҳол сезилади. Бу нима? Бу, аслида, маҳоратимизнинг етишмаётгани. Кейин... Томошабин ҳам йўқ, рейтинг ҳам ҳамина-қадар. Муаммо мана шунда.

Биз 27 июни, яъни касб байрамимизни фақат совғалар олиш, табриклашлар билан эмас, соҳада эришилган ижодий ютуқлар, касбий маҳорат бобида, конвергентлашув йўналишидаги натижаларимизни таҳлил қилиш билан ҳам ишонлаб боришга ўтишимиз керак. Баъзида ижтимоий тармоқларда баъзи ҳамкасбларимизнинг фалон йилдан буюн ишлайман, ҳали бирор муқофот беришмади, деб очикча таъна қилишларини ўқиб, тўғриси, хижолатдан бўларим бўлиб кетади. Биродар, шунча йилдан бери нотўғри жойда ўтирган эканлигини сезмаёلمисиз, дегинг келади... Бизнинг музофотимиз шу азиз юртга садоқат билан хизмат қилишимиз ўзидир.


Профессионалларимизга байрамлар муборак бўлсин!

Журналист Зулфия ФАЙЗУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

ЎХАМКАСБ

БУГУН ГАЗЕТА ЧИҚАДИ...

— Юсуфжонни қақрайлик, анча бўлди кўрмаганимизга.
— Нима? Нега келмайди ахир?!
Бугун газета чиқади, дейсизми? Хўп, унда эртага қақрайлик, бир дийдорлашардик. Эртагаям, индингаям... нима, газета ҳар кунни чиқадими?
— Ҳа, ҳар кун чиқади. “Халқ сўзи” газетаси ҳафтасига 5 марта чоп этилади. Котибият — газетанинг юраги. Юсуфжон штаб бошлиғи. У мақолаларни саралайди, қайси мақолани қайси саҳифага жойлаштиришни ҳал этади. Рукнлар, сарлавҳалар, суратлар, эҳе, унинг қўли-қўлига тегмайди.
— Хўп, унда телефон орқали бўлса ҳам у билан бир гаплашайлик.



Телефон устма-уст жиринглади. Юсуфжон гўшақни кўтариб: “Эй, дўстим, биласиз, бугун газета чиқади, бир зум ҳам вақтим йўқ, кейинги йилларда иштирок этарман”, деди.
— Нима, бу газета деганлари Юсуфжонсиз чиқмайдими? — даврада самимий кулги кўтарилди. —Унда унинг умуман вақти бўлмас экан-да, — деди бирови.
— Ҳа, шундай, у бутун ҳаётини газетга бағишлаган. Ҳа, бу газетасида яшай олмайдими. Ҳа, унинг қўлига етиб борадиган газета эволюциясининг кўлида “пишийди”. У саралайди, жой-жойига қўяди. Энг аҳамиятлиси, жараёнда тўлиқ иштирок этади.
— Назаримда, биз университетда ўқиб юрган пайтлар ҳам Юсуфжон шу газетда ишларди, тўғрими?
— Тўғри, 1993 йилдан буюн “Халқ сўзи” газетасида ишлайди. 32 йил бўлди. Дарахт бир жойда кўкаради, деганларидек, Юсуфжоннинг шу тахририятда сочи оқарди. Биласизларми, газетанинг шу йиллар давомида 9 минггача сон чиқди. Деярли ҳаммасига Юсуфжоннинг меҳнати синган. Бир жойда шунча йил ишлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Яна денг, газета, қоши, эр-

Ўз ҳаловатидан кечиб, юрт тақдирига дахлдор бўлган ОАВни чиқаришда қуюнчалик қилиш аслида фидойилик. Фидойи, бағрикенг, сабрли, эҳтиқоди мустақкам одам шунча йил, оғир меҳнатдан қочмай бир жойда ишлай олади. Аммо... барибир йиллар ўз сўзини айтади. Юсуфжон ҳам анча улғайди, ёши 50 дан ошди. Лекин бундан у ҳеч ҳам афсусланмайди. Умрини, ҳаётини элу юрт хизматига бахшида этди. Балки унга қайта умр берилганда ҳам шу йўлдан кетарди. Шу аниқки, ҳаётини эзгу ва хайрли ишларга сарфлаши мўқаррар. Чунки Юсуфжон жуда самимий йигит. Бировнинг кўнглини оғритишдан доим ўзини асраб юради. Ҳар бир айтдиған гапни ўйлаб, мулоҳаза қилиб, кейин айтади. Бу тарбия унга ёшлигида ота-онасидан, оиладаги муҳитдан ўтган.

Журналистнинг аёли бўлиш қийин, дейишади. Агар аёли ҳам журналист бўлса-чи? Ҳа, шунча, Юсуфжоннинг рафиқаси Сайёраҳон ҳам таниқли журналист. Йирик нашрларда қалам тебратиб, кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Оилада улғаяётган ўғил-қизлар ҳам ўзлари севган касбини танлаб, баракали меҳнат қилишмоқда. “Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал” деганларидек, Юсуфжоннинг оиласидан кўнгли тўқ. Бу унинг ишдаги муваффақиятларига асос бўлмоқда.

Устозлар ҳақида гап кетганда, у Анвар Жўрабоев, Аббосхон Усмонов, Икром Ўтбосаров, Ўткир Раҳмат, Шухрат Жабборовларни доимо ҳурмат билан тилга олади. “Улар менга ҳаётдан дур терини ўратган”, дейди. “Устозлар ўғитларига амал қилиб, ҳаётда кам бўлмадим, самимият, меҳр-оқибат тушунчалари моҳиятини англаб етдим”, дейди. Шу жойда Юсуфжон билан суҳбатимиз узилб қолади. У тахририятда шошаётганини айтиб узр сўрайди: бугун газета чиқади...

Фахриддин БОЗОРОВ, “Олтин қалам” Миллий муқофоти учун XIX халқаро танловни совриндор

РАҒБАТ



Табриклаймиз!

“Олтин қалам” танлови ҳар бир журналист, ижодкор учун жуда катта рағбат, орзу, интилиш марраси, чўққиси десак хато бўлмас керак. Негаки, халқаро нуфузли танловда эътироф этилишини ўзи бўлмайди. Унда иштирок этадиган ижодкорлар оз эмас. Ғолиблар, соғриндорлар сафида эса “эне, энг”лар саралаб олинади. Бу, шубҳасиз, ҳаммага аниқ, оидин ҳақиқат.

Ижодкор учун рағбат, эътиборнинг ўзи катта муқофот. Шубҳасиз, бу борада “Олтин қалам” танловининг ўрни, нуфузи жуда баланд. Яна шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ўн тўққиз йилдан буюн ўтказиб келинаётган ушбу халқаро танлов даражасидаги рағбат дунё мамлакатларининг ҳаммасида ҳам учрамайди. Яна ҳам очик айтдиған бўлсак, “Олтин қалам” даражасидаги журналистларга аталган нуфузли танлов собиқ

Иттифоқ мамлакатларининг ҳеч бирида ўтказилмайди. Шундан ҳам кўринадики, Ўзбекистонимизда сўз ва матбуотга, заҳматли соҳа вакилларига гамхўрлик жуда юқори.

Кўчи кеча XIX-бор ўтказилаётган ана шу нуфузли танловда газетамизнинг бўлиб муҳаррири Дилмурод Қирғизбоев “Таълим-тарбия соҳасидаги ишхотлар ёритилган энг яхши материаллар учун” номинацияси ғолиби бўлди. Ушбу муқофот қадри ҳамкасбимизга ва “Hurriyat” газетаси жамоасига катта рағбат, эътибор намунаси деб биламиз.

Истеъдодли публицист, таниқли журналист Дилмурод Қирғизбоевни чин дилдан юксак эътироф билан қўтлаймиз ҳамда келаси ижодий ишларида янада омад тилаймиз!

“Hurriyat” жамоаси.

ЭЪТИРОФ

САЛОМАТ БЎЛИНГ!

Ҳаёт лаҳзаларини тарихга муҳраётган тажрибали сураткаш-журналист Шамшидин ҚОРАБОЕВ фаолиятига бир назар

Унинг журналистикага кириб келиши жамоатчи мухбирликдан бошланган. Ушандан бери қанча сувлар оқиб ўтди, ҳаётнинг паст-баланд, ўйдим-чуқур йўллариди қоқинмай, мақсад сари дадил одимлашдан толмади.

Бугун умрининг етмиш бешинчи баҳорини қарши олган сураткаш-мухбир жамоатчи энг фаол, жонкуяр мураббий, ёш журналистларнинг устози, оилада фарзандларнинг меҳрибон отаси, набираларининг суюкли бобоси сифатида иззат-ҳурмат топган обрўли инсон, I даражали "Меҳнат фахрийси", вилоят оммавий ахборот воситалари фахрийлари Кенгаши расиаси.

— Дадам 2-Украина фронтда пулемётчи сифатида жанг қилган, урушдан сўнг вайрон бўлган қишлоқ хўжалигини тиклаш ишларида фидойилик кўрсатиб, 102 ёшида оламдан ўтди. Тасодифни қарангки, мен 9 май куни дунёга келган эканман. Ҳар йили бу кунни дадам раҳматли кўшалоқ байрам сифатида нишонлар эди. Оиламизда 6 ўғил, 6 қиз фарзанд улғайганми. Отанамиз бизни тинчликни қадрлашга, Ватанини севишга, унинг тараққиёти йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ўргатганлар, — деб хотирлайди Шамшидин ака.

Ёшлиқда олган тарбия, билим, камтарлик ва самимийлик беиз кетмади. Бу инсоний фазилатлар ҳали-ҳануз Шамшидин акага зеб бериб туради. Фаргона давлат университетининг жисмоний тарбия факультетини ўқитган чоғида волейбол бўйича вилоят терма жамоаси сафида кўплаб ютуқларга эришди. Аъло ўқиши, жамоат ишла-

ридаги фаоллиги учун уни давлат стипендиясига тавсия қилишди. Қува тумани халқ таълими бўлими мудирининг спорт ишлари бўйича ўринбосари, "Ёш куч" спорт жамоаси раиси сифатида туманда соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Айни пайтда ижод уни ўзига ром этар, "Қува ҳаёти" газетаси тахририятининг топшириғи билан жамоатчи мухбир сифатида жамоа хўжалиқларига велосипедда бориб, мақола тайёрлаб қайтар эди. Уша пайтда ташкил этилган Қува шаҳар ҳокимлиги раҳбари Феронжон Муҳиддинов билан суҳбатда "Шаҳарга газета керак" деган тақлифни ўртага қўйди. Ташаббус маъқулланиб, "Қува садоси" газетаси дунё юзини кўрди.

Шамшидин Қорабоевнинг фотоижодкорлик фаолияти "Фаргона тонги", "Фаргона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталари билан тахририятда ишлаган даврларида, айниқса, самарали бўлди. Сураткаш мухбир бормаган шаҳар, туман, қишлоғу маҳаллалар, хонадонлар қолмаган ҳисоб. Вилоят ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва маданий ҳаётининг ҳар бир қирраси моҳирона олган суратларида ўз аксини топган. Ўзбекистон Қаҳрамонлари, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, жаҳон ва Олимпиада ўйинлари чемпиони, иқтидорли йигит-қизлар, деҳқон, боғбону соҳибдорлар ҳаётининг оний лаҳзалари муҳрланган суратларни санаб адоғига етиш қийин.

— "Фаргона ҳақиқати" — "Ферганская правда" газеталарида ишлаган даврини умрининг энг сермазун, серзавақ ва ижодий оқсалиш йилларини бўлган, деб ҳисоблайман. Аъзамжон Ортиқов, Иброҳимжон Ашуров, Тошқўзи Муллаев, Қодиржон Шодмонов, Юрий Ефимов, Муҳаббат Иброҳимова, Тилиб-



жон Турсунов, Тоҳиржон Ҳамроқулов (барчаларини Алпоҳ раҳматига олсин) сингари устозларимнинг ҳаёт ва ижод мактабларинан сабоқ олдим. Улар ўз соҳасининг истеъдодли вакиллари эдилар. Шаҳар, туман, вилоят газеталари тахририятлари ижодий жамоалари билан ҳамнафас, ҳамкорликда меҳнат қилганим, уларнинг турмаъно суҳбатларидан баҳраманд бўлганимдан қалбимда фахрифтхор туяман, — деди у миннатдорлик билан.

Ўз навбатида, ёш фотожурналистлар, қўлига қалам тутган ёшлар Шамшидин Қорабоев яратган фотоижод мактаби маҳоратидан сабоқ олмоқдалар. "От изини той босар" деганларидек, ўғли Шерзод Қорабоев бугун республика ва

вилоят босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритиб, Қорабоевлар сулоласи аънаналарини муносиб давом эттиряпти.

— "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар", дейишади. Довруқли фотожурналистлар Тоҳиржон Ҳамроқулов, Шухратжон Олимов, Шамсиддин Қорабоевдан олган сабоқларим фаолиятимнинг ҳар дақиқасида асқатади. Ҳаётда эришган барча муваффақиятларимни уларнинг ўғитлари, панд-насихатлари самараси деб биламан, — деди Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги фотомухбири Муҳимжон Қодиров.

Ўзбекистон спорт фахрийси, таниқли фотожурналист, "Ўзбекистон Мустақиллиги 25 йил", "Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги" эсдалик нишонлари, кўплаб Фахрий ёрликлар, ташаккурномалар соҳиб Шамшидин Қорабоев бугунги кунда ҳам ёшлардек ғайратли, ижтимоий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида жавлон уриб, санъаткорона суратлар яратиш, келажак авлодларга аждодларининг ёрқин ва бектор турмуш лаҳзаларини инъом этиш билан банд.

Ҳеч эътибор берганмисиз — сураткаш мухбир фотоаппаратини "чирқ" этказиб босган, "Сизларни тарихга муҳрайдим" дегандек: "Саломат бўлинглар!" — дейишни қанда қилмайди.

Сиз ҳам соғ-омон бўлинг, фарзандлар, набиралар бахту камолини кўриб юринг, Шамшидин ака!

Қувончлисиз, кунни кеча Президентимиз фармонига кўра Шамшидин Қорабоев "Шухрат" медални уларини тақдирланди. Захматкаш ҳамкасбимизнинг меҳнатига юксак эътибор намунаси бўлди. Муборак бўлсин!

Абдужалил БОБОЖОНОВ

ХОРИЖ

АРМАНИСТОН КХШТдан БУТУНЛАЙ ЧИҚАДИМИ?

Арманистон Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотидан (КХШТ) чиқиш бўйича якуний қарор қабул қилади. Бу ҳақда мамлакат ташқи ишлар вазири ўринбосари Ваан Костанян маълум қилган.

— Агар КХШТ бўйича ҳамкорлар, жумладан, Россия кўп йиллар олдин Арманистоннинг суверен ҳудудига қилинган ҳужумдан сўнг муҳокама қилинган сиёсий баёнотларни бермаса, Арманистон якуний қарорини қабул қилади, — деган Костанян.

Ташқи ишлар вазири ўринбосарига кўра, Ереван энди шама қилмай, балки очик-ойдин гапирмоқда. У Арманистон суверен давлат сифатида кейинги қадамлар учун зарур пайтни ўзи белгилашини айтган.



"АМЕРИКА ОВОЗИ"НИ ЙЎҚ ҚИЛИШГА ЧАҚИРУВ

АҚШ президенти Дональд Трамп "Америка овози" радиостанциялари тармоғини "тўлиқ ҳалокат" деб атади ва конгрессдаги партиядошларини уни бутунлай йўқ қилишга ундаган. Бу ҳақда у ўзининг "Truth Social" ижтимоий тармоғида билдирган.

"Нима учун республикачилар демократларнинг "карнай"и бўлган "Америка овози" (VOA) фаолиятини давом эттиришини истайдими? Бу бутунлай тўлиқ, сўл ҳалокат. Ҳеч бир республикачи унинг сақланиб қолиши учун овоз бермаслиги керак. Уни йўқ қилинг!", дея ёзган Трамп.

АҚШ президенти 14 март куни АҚШ ҳукуматининг Глобал оммавий ахборот воситалари агентлиги (USAGM) ва бошқа ҳукумат тузилмалари фаолиятини сезиларли даражада қисқартириш тўғрисидаги фармонни имзолаганди. Улар орасида "Озод Европа/Озодлик радиоси" ва "Америка овози"ни назорат қилувчи АҚШ ҳукуматининг Глобал медиа агентлиги (USAGM) ҳам бор эди.




СОБИҚ БИРИНЧИ ХОНИМ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИДАН МАҲРУМ БЎЛАДИ

Жанубий Кореянинг собиқ президенти Юн Сок Ёлнинг рафиқаси Ким Гон Хи иккита илмий даражасидан маҳрум бўлмоқда. Бу ҳақда маҳаллий "YTN" нашри хабар берган.

Маълум қилинишича, Сунмён аёллар университетининг мамлакат собиқ президенти рафиқасининг плагиатда айбланиб, жанжал бошланганидан уч ярим йил ўтиб, унинг магистрлик даражасини бекор қилишга қарор қилган. Шундан сўнг Кунмин университети ҳам Кимнинг докторлик даражасини қайтариб олиш тартибини бошлаган.

"Ким Гон Хи хонимнинг магистрлик даражаси бекор қилинганини инобатга олган ҳолда, биз унинг дизайн технологиялари мактабиди докторлик дастурида ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга ёки йўқлигини, шунингдек, унга докторлик даражасини бериш қонуний эканини баҳолаш учун зарур процедурани амалга оширмоқчимиз", деган мактаб вакили.

Корея олий таълим тўғрисидаги қонунига кўра, докторлик дастуридан ўтиш учун магистр даражасига эга бўлиш шарт ҳисобланади. Сунмён аёллар университетини магистрлик даражасининг бекор қилиниши Кунмин университети томонидан докторлик даражасини бекор қилишга асос бўлади.



ЭЛЧИ "ЎЗБОШИМЧАЛИК" УЧУН ЧАҚИРТИРИЛАДИМИ?

Германиянинг Москвадаги элчиси Германияда россиялик журналистларга нисбатан "ўзбошимчалик" ҳолатлари тўғрисида Россия ТИВга чақиртирилади, деган Мария Захарова.

"Германиянинг Москвадаги элчиси Александр Ламбсдорф яқин орада Германияда яшовчи Россия оммавий ахборот воситалари вакилларига нисбатан "ўзбошимчалик" ҳолати билан Россия ТИВга чақиртирилади", деди Россия ТИВ матбуот қотиби Мария Захарова 26 июнь куни бўлиб ўтган брифингда. Унинг сўзларига кўра, немис дипломати Москвада "жавоб чоралари" ҳақида хабардор қилинади.

"Германия томонида оммавий ахборот воситалари вакилларига ўзбошимчалик билан муносабатда бўлишни тўхтатиш ва ОАВ эркинлигини ҳимоя қилиш ва фикрлар плюрализмининг таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини виждонан бажаришга қайтиш ҳақидаги чақирқиқларимиз Берлин томонидан ўжарлик билан эътибордан четда қолмоқда. Шу муносабат билан, биз ваъда қилганимиздек, жавоб чоралари ишлаб чиқишмоқда", — дея Захаровадан иқтибос келтиради "Коммерсант" газетаси.



"YouTube" МИНИМАЛ ЁШ ТАЛАБНИ ОШИРАДИ

2025 йил 22 июндан бошлаб 16 ёшдан кичик бўлган шахслар "YouTube"да тўғридан-тўғри трансляциялар ўтказма олмайдими. Бу ҳақда "YouTube" кўллаб-қувватлов маркази хабар берган.

Қайд этилишича, 13-15 ёшдаги ўсмирлар тўғридан-тўғри эфирларни фақат катталар иштирокида олиб бориши мумкин бўлади. Илгари бундай қоғда фақат 13 ёшдан кичик фойдаланувчиларга нисбатан амал қилган эди.

"YouTube" 22 июндан сўнг катталар назоратисиз жонли эфир ўтказадиган 16 ёшдан кичик стримерлар чат ва бошқа имкониятлардан фойдалана олмаслиги мумкинлиги ҳақида оғоҳлантирди.

Видеохостинг қондаларини бузадиган тўғридан-тўғри трансляцияларни ўчиради ва чекловга тушган ҳар қандай аккаунтга бошқа қаналдан фойдаланган ҳолда стримерлар ўтказиш тақиқланади. Бу эса охир-оқибат аккаунт фаолиятининг тўхтатилишига олиб келиши мумкин.



Интернет маълумотлари асосида Ислон ЭҒАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

СИЙРАТ

ИЖОДКОРНИНГ ИККИ ҚУТБИ

Пойтахтдан қарийб минг километр олисда яшасак ҳам Тошкент ижодий муҳитидаги қарийб ҳамма қаламкаши оилавий танирдик. Баъзиларини янги чиққан тўпلامлари, яна баъзиларини газета-журналларда чоп этилган ижодий ишлари, ҳеч бўлмаса, тилдан тилга кўчиб юрган қизиқ одатлари, гап-сўзлари орқали билардик.

Отам раҳматли (Маҳмуд Абулфайз — таниқли публицист, журналист. Тахририят) гапирганда ҳам кашта-лаб, сўзга чунон зеб бериб сўйлардики, ўта ноёб ва ажиб китоб ўқитгандай воқеалар ичига кириб кетарди одам. Ана шундай қизиқ гурунглardan бири Очил ака (Очил Тоҳир) ҳақида бўлади. Отам оғзидан бол томиб гапирадиган бу одамга қачонлардир кенти азимда дуч келаман, деб сира ўйламагандим. Бироқ ҳаёт турфа тасодифларга тўла: мени отам тасвирлаган ўша дали-ғули, танги, жумард одам билан юзлаштирди.

Ҳаётимда чуқур из қолдирган "Маърифат" газетасининг фан, олий ва ўрта махсус таълим бўлимида ишларканман, бир кунни хонамизга бир одам бўрондай гувиллаб, шиддат билан кириб келди. Одатда, тахририятга келганлар ўзини ниҳоятда сипо тутарди. Бу одам эса... ғалати эди. Хуллас, ғўлабирдан келган, сочлари оппоқ, икки юзи қип-қизил киши кела солиб, тўрга — бўлим муҳарриримиз томон йўналди. "Яхшимсиз, оқсоқол?" деркан, дархол бафуржа жойлашиб, баланд овозда ҳол-аҳвол сўраша кетди. Афтидан, у бўлимга тез-тез келиб турарди. Чунки мақола ёзгани объект қидириб кетган баъзи касбдошларимизни ном-ном сўраб чиқди. Гурунг қизгандан-қизиди. Орасира бўлим муҳарриримиз ҳамсуҳбатига "Очил ака", дера мурожаат қилиб кўяди. Эсдаликлардаги портрет билан солиштириш, шу одам отамнинг талабаларидаги (ва ундан кейинги паллалардаги) кадрдон Очил Тоҳир эканини билдим.

Шу аснода у билан боғлиқ эсдаликлар ёдимга қуйилиб келаверади.

Узоқроқ қариндошларимиздан бирининг ўғли журналист бўлиш учун отамга эргашиб, Тошкентга келади. Табиийки, қишлоқдан келган 17 яшар йигит отам ва шериклари билан бир ижара уйда яшай бошлайди. Ҳаммадан кичик бўлгани учун майда-чуйда югур-югурлар ҳам унинг зиммасига тушади (ўзбекистонлик биласиз-ку, ўзбекининг кичиги бўлгунча...). Бир кун Очил ака ёнбошлаб китоб ўқитган бўлганини ёки янги шеър ишқиди шунчаки хаёл суриб ётганим, хуллас, газни ўчиришга эриниб, "Эргаш, бор, газни ўчириб кел", деган. Эргаш ака ҳам "Ҳўп бўлади, ака", деб жойидан сакраб туриб, зипиллаб бориб газни ўчириб келган.

Бирпас ўтиб, мириқиб ёнбошлаб ётган Очил ака кўзлари катта-катта очилиб, илқис туриб олган. Бурун каттаклари кенгайиб, ҳавони тез-тез ھидлаш, "Эргаш, газни ўчиридинг?" деб сўраган. Очил аканинг ғалати авзойидан ҳайратланган Эргаш акаям кўзлари пирпираб, хавотир билан "Ҳа, ака, ўчирдим", деган. "Қандай ўчирдинг?" "Пуфлаб ўчирдим". Бу жавобни эшитиб, Очил ака қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборган. "Билгандим шундай ўчирганингни. Сал бўлмаса, газда димкиртириб ўлдирай дединг-ку", деган-да, содда ўсмирни етаклаб бориб, газни мурватидан ўчириш кераклигини тушунтирган.

Талабалик йилларимда ҳар таътил пайти Термизга борганимда отам билан соатлаб журналистика, адабий муҳит ҳақида гаплашардик. Тенгқурларимнинг



адабиётга муносабати, умуман, ижодий кайфияти ҳақида эринмай суриштирарди. Жавобларимни эшитгач, ҳафсаласи пир бўларди, табиий.

— Ёзувчилар уюшмасига бўлиб турасизларми?

— Боришга вақтим йўқ. Бир-икки курсдошим шеър, ҳикояларини кўрсатгани бориб туради.

— Адабий муҳокамалар бўлиб турадими ҳалиям?

— Бўлиб турса керак, лекин биз боравермаймиз.

Отам чуқур хўрсиниб, талабалик йилларида бирор асар муҳокама қилинса, уюшма биноси нафақат журналистика ёки филология факультети талабалари, умуман, бошқа хавасмандлар билан ниҳоятда гавжум бўлганини, ўтиришга жой етмаганидан одамлар соатлаб тикка туриб, муҳокамани кузатганини айтиб берарди. Гурунг шу жойга етганида мен учун ниҳоятда қизиқ ва ўша давр талабаларининг кайфияти ва руҳий ҳолатини ифодалаб берадиган гоят ёрқин мисол айтиларди:

— Очил бованг муҳокамадан жуда кўтаринки руҳда, шиддат ва илҳомга тўлиб қайтарди. "Насиб бўлса, адабиёт йўналишида Нобель мукофотини олмагунча тинчмайман", дерди. У ваъдасида турди. Тинмай ёзпти.

Бу жумлаларни мен отам айтганчалик пафос ва оҳанг билан келтиролмадим. Лекин умрида бир марта бўлса-да, Очил Тоҳир билан юзма-юз келиб, суҳбатлашган одам унинг шундай шахту шиддати ҳали-ҳануз сақланиб қолганига инонади. Гарчи Нобель ва шунга ўхшаш халқаро мукофотлар истеъдоддан кўра адабнинг сиёсий муҳолифлик кайфияти ёки шундай аҳволи руҳиядаги асарни берилишини жуда яхши билса-да, Очил аканинг қўли қаламдан совигани йўқ. Тинмай ёзади, доим ёзади, туркман, рус ва бошқа халқлар адабиётидан теран таржималар қилади. Адабиётнинг энг оғир йўлидан юради — болалар учун шеърлар ёзади. Биламан: энди у Нобелниям, бошқа мукофотниям ҳавас қилмайди. Ҳавас дегани нима? Писанд қилмайди! Агар назарига илса, у Очил Тоҳир бўлмайди, ўзига ўхшамай қолади. Мана шу баланд-назарлиги учун ҳам ўзини йўқотмай, авайлаб-асраб яшаб келяпти.

Базъан шу одамнинг ҳали-ҳануз талабалик роман-

Хайридин МУРОД, журналист.

ЎД ЭТИБ

Болалигимдан китоб ўқишни, шеър ёд олишни яхши кўрдим. Адабиётга, ижодга меҳр қўйишимнинг асосий сабаби уйимизга ҳар ой турли хилдаги газета ва журналлар кириб келар, ўша кунни мен учун ўзгача байрам бўлар эди. Уларнинг ҳар бири саҳифасини кўзга суртгудек бўлиб ўқирдим, айрим мақолаларга қайта-қайта мурожаат қилардим.

Келажақда ким ва қандай соҳа эгаси бўлишингиз сизнинг ҳаёт йўлингизда учраган инсонларга ҳам қайсибир маънода бoғлиқ бўлади. Кимдир сизни қўллаб-қувватлаши, бошқа биров маслаҳат бериши, яна кимдир эса шогирд сифатида тан олиши қабилир...

Менинг журналистик фаолиятимнинг шаклланишида кўпларга яхши таниш бўлган фидойи инсон, журналист, ижодкор Назиржон Саидовнинг алоҳида хизматлари бор.

Анжуманда журналистларга чин маънода устозлик, акалик қилолган яхши инсон, яхши дўст ва меҳрибон ОДАМ Назиржон Саидов ўтган йили матбуот кунда оламдан ўтган эди. Бу тасодиф бежизга эмас, эҳтимол бу дарёдил инсоннинг айна журналистлар байрамида чин дунёга риҳлат қилгани шу кунда байрам баҳона ижодкорлар дийдорлашин, ўтганлар ёдга олинсин, бир-бирларига оқибати зиёда бўлсин, деган маънода Аллоҳнинг бир ҳикматидадир.

1998 йили Тошкент давлат университети журналистика факультетини тамомлаб, Андижон телевидениесига янги иш бошлаган кунларим Назиржон аканинг дуоларини олишга бордим. Шунда улар: "Қалами яхшиликдан сўзлайдиган журналист қизим, Андижонга қадимдан кутлуғ бўлсин, фақат яхшилар, бахтлилар ва омадчилар ҳақида ёзгин", дегандилар.

Фаолиятим давомида жуда кўп бора ўзининг қимматли маслаҳатлари билан ёрдами аямаган, арзирли қаҳрамонлар топишда, виллоятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ҳолисона ёритишда, маънавий-маърифий кўрсатувлар тайёрлашда хизматлари синган эди. Ўша кезлари менинг вояда яхшигина кўзга кўринган журналист бўлиб танилишимда устознинг ҳам ҳиссалари катта.

Орадан беш йил ўтиб, бир тадбирда устоз менга: "Қизим, телевидениеда ишлаб, яхшигина натижаларга эришдинг, ҳурмат, иззат топдинг. Сен тузукича қалами бор журналистсан, ижоддан тўхтаб қоляпсан. Энди матбуотда ҳам ўзингни сынаб кўр", — де-



дилар. Ўша пайтда "Андижоннома" газетаси бош муҳаррири бўлган устознинг сўзини икки қилмай, тақлифига кўра газетга ишга ўтдим. Виллоятнинг ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётига доир мавзуларда мақолалар, суҳбатлар, очерклар ёзиб, тез орада ўз ўрнини топдим. Улар менга толшириқ беришга сира иккиланмасдилар. Бир сафар: "Сенда шиддат бор, бу ёшлиқнинг шижоати бўлса керак, бу гал Улунор туманига борсан, сен ёзадиган бир қаҳрамон бор", деса-лар, кейинги гал: "Энди, қизим, Хонобода борасан, аскиячи ва қизикчилар уртасида танлов бўларкан, шу тадбирга тайёргарлик ишларини ёзиб келгин", дерди. "Судья аёл ҳақида ҳақ сўзни ёзгин фақат. Болаларга илм нуруни бераётган устоз ҳақида болалардан сўрагин, улар ёлгон гапирмайди", деб айтар, янаги топшириқни бераркан, фермер ҳақида даласига бориб, ўша ернинг ўзида суҳбат қуришимни сўради.

Бир кун эрталаб ишга кетаётиб, шаҳар марказидаги манзарали дараклар маскани бўлган жойда қурилиш ишлари бошланаётганига гувоҳ бўлдим. Катта майдонни эгаллаган даракзорнинг йўқ қилинишидан хавотирга тушиб, бу ҳақида танқидий мақола ёзмоқчилигимни бош муҳаррирга айтдим. Улар қўллаб-қувватлади. Мен эса мавжуд вазиятни обдан ўрганишни бошлаб юбор-

дим. Кейинги сонда танқидий руҳдаги ярим саҳифа мақолам босилиб чиқди. Ўша куннинг ўзидаёқ телефон қўнғироклари, суриштирувлар, дағдағалар бошланиб кетди. Табиийки, раҳбаримиз мени ўз ҳимоясига олди ва даракзор ҳам асраб қолинди.

Бир гал туман ёшлар ташиклоти раҳбари билан унинг фаолияти ва ютуқлари ҳақида суҳбат қилдим. Мақола чоп этилгач, ўша вақтдаги виллоят раҳбари "Нега менинг руҳсатимсиз берасизлар" деб роса муаммо қилди. Табиийки, яна Назиржон ака "менинг топширигимни бажарди", деб ўзи қалқон бўлди, ҳимоясига олди.

Фарғонадан икки машхур ҳофиз, устоз санъаткорлар Абдулхай Каримов ва Нуриддин Аскарқовлар аввалги иш жойим — телевидениега мени излаб келибди, газетга ўтганимни эшитиб бу ёққа ҳам келишган экан. Назиржон ака уларни хонасига тақлиф қилиб, суҳбатини олибди. Тушлик ташкил этиб: "Менинг қизимни излаб келганлар менинг ҳам меҳмоним", деб уларнинг иззатини жойига қўйибди. Мен этиб келгач, телевидениеда кўп бора қўшиқларини эфирга қўйиб, суҳбатларини ташкил этадиган бу икки санъаткор раҳбаримдан миннатдор бўлганлигини, мени эса яхши жойга ишга ўтганимни айтиб табриқлашганди.

Хуллас, ёдга олсам, бу каби воқеалар жуда ҳам кўп. Устоз ҳақидаги яхши хотиралар менга журналист сифатида жамиятга ўз ўрнини ва ўз сўзини бўлиши лозимлигини, ҳамisha ҳақ сўзга суянишим кераклигини ўқтираверади. Умр ганимат, бир-бир чин дунёга яқинларингни, сен эъзоз қилганларни, ҳурматингда бўлганларни шундай кузатиб боравераркансан. Фақат ортидан: "Яхши инсон эди", деган бир сўз уларнинг ҳақиқига беҳисоб савобларни ёзаваркан.

Назиржон устознинг: "Жамиятнинг камчилиги худди бир дардга ўхшайди. У вақтида даволаниши учун матбуот бонг уриши ва жамиятни тезроқ мана шу касалликдан фориштига уриниши — журналистларнинг бурчи. Журналистлар эса жамиятнинг шифокоридир", деган сўзлари йиллар, даврлар ўтса-да, ўз қийматини йўқотмайди.

Устозимнинг тақдир йўлига назар ташласангиз, 1948 йилда Олтинкўл туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, 1979 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика

факультетига ўқишга кириди. Ижодий фаолиятини Андижон тумани ижроия қўмитаси муассислигидаги "Коммунизм тонги" (ҳозирда "Андижон тонги") газетасида катта адабий ходим вазифасидан бошлади. Турли йилларда муҳбир, бўлим мудирини ва муҳаррир ўринбосарини лавозимларида ишлайди.

1990-1993 йилларда Олтинкўл тумани ҳокими, 1993-1999 йилларда Андижон виллояти ҳокимининг ўринбосари, котибият мудирини лавозимларида фаолият юритган устоз 2008 йилдан 2021 йилга қадар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон виллояти бўлими раҳбари сифатида иш олиб борди.

Ҳуқуқимизнинг устозининг меҳнатларини эътиборсиз қолдирмади. 2001 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, 2019 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотлади.

Бугун устоз ҳақида сўз айтмоқчи лозим топдим, боиси менинг ва мен каби андижонлик кўплаб журналистларнинг бугун журналистика соҳасида озим-кўпми эришган ютуқлари борки, замирида Назиржон устознинг хизматлари беҳисоб.

Ҳар йили журналистлар байрамида устоз пойтахтга — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси томонидан ташкил этиладиган "Олтин қалам" Миллий мукофоти тақдими тига келар, пойтахтда яшаб, ижод қилаётган журналистларни йўқлар, ҳолидан хабар олар, талабаларга конвертда нафақасидан пул тугар: "Мендан кейин дуоимни қиларсан, болам", деб ҳазиллашиб ҳам кўярдилар. Ўша меҳр билан сиёланганлар қатаридан мен ҳам бўлардим...

Бугун устоз ҳақида сўз айтarkanман, юрагим тўлиб, кўнглим ўқиб борапти. Шогирд сифатида тўртта иссиқ нон олиб йўқлашга, яхши сўз айтиб кўнглини олишга, тўйиб-тўйиб суҳбатлашишга имкон топдим, деганимда, афсуски, улар энди йўқ.

Назиржон Саидовнинг таниган, билган, эъзоз қилган инсонлар, юрагига яхшилик уруғини эккан шогирдлар байрам арафасида "Яхши инсон эди", дея ёдга оладилар. Ҳаётда айнан "яхши одам", деган мақомга эга бўлиш, аслида, энг улғу саодатдир.

Феруза ОРИНОВА,
"Саодат" журнали бош муҳаррир ўринбосари.

ИЗҚОР



Фарида ИСПОМОВА,
"Дунё" ахборот агентлиги бош мутахассиси,
"Олтин қалам" Миллий мукофоти учун XIX
халқаро танловининг Интернет йўналиши бўйича "Энг яхши журналистик материал учун"
номинацияси биринчи ўрин қолибди:

ЮРТИМИЗ ОВОЗИНИ ДУНЁГА ЕТКАЗИШ ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗДИР!

Бу эътироф, албатта, ҳаяжонли ва бир вақтнинг ўзида масъулият ҳамдир. Шунингдек, юртимиз ахборот майдонини фаол меҳнат қилаётган, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий қиёфасини яратишга ўз ҳиссасини қўшаётган барча касбдошларим учун ҳам шарафдир.

Бугун Ўзбекистон дунё ҳамжамияти нигоҳида тораба ишончли ва ташаббускор давлат сифатида тан олинмоқда. Сўнги йилларда мамлакатимизнинг халқаро нуфузи сезиларли даражада ортди. Ташқи сиёсатдаги очиқлик, конструктив мулоқотга асосланган ёндашув, минтақавий интеграцияни илгари сурувчи қатъий саъй-ҳаракатлар — буларнинг барчаси давлатимизнинг янгича қиёфасини яратмоқда.

Шу жараёнларни тезкор, ишончли ва аниқ ёритиш эса замонавий интернет журналистикасининг муҳим вазифасига айланган. Шу ўринда миллий контентлар орқали асл мазмун-моҳиятни очиб бериш ҳам муҳимдир. Биз — "Дунё" ахборот агентлиги жамоаси — айнан мана шу йўлда ўз иштини сидқидилдан давом эттираётган, халқаро аудиторияга Ўзбекистонда кечаётган кенг ислохотлар ва жараёнларни ёритиш, халқаро миқёсдаги илминини янада мустаҳкамлашни мақсад қилган ижодкорлар жамоасимиз.

Бу мукофот доимий изланиб, таҳлил қилиб, ишончли ахборот етказиш йўлидаги таҳлил борган фаолияти-мизга бўлган юксак эътирофдир.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ВА ТЕЗКОР ХИЗМАТЛАР

Бизнесни ривожлантириш банки томонидан ОАВ вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди

Иссиқ ёз тонгида бир гуруҳ ОАВ вакиллари эрталабдан сафарга отланди. Манзил пойтахтдан унча узоқ эмас — Тошкент виллояти. Мақсад — "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан ҳудудларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, молиялаштирилаётган тадбиркорлик ташаббуслари ва банк хизматларининг аҳоли ҳаётига таъсирининг бевосита гувоҳи бўлиш эди.

Пресс-турнинг дастлабки манзили замонавий технологиялар асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган Янгийўл банк хизматлари маркази бўлди. Бу ерда миқозларга кўрсатилаётган тезкор ва сифатли банк хизматларига гувоҳ бўлдик. Қулай кутуш зонаси, электрон навбат, мобил иловалар ҳақида тушунтираётган ёш мутахассислар — буларнинг барчаси замонавий банк хизматларининг оддий намунаси эди.

Бугунги кунда маълумотларга кўра, Тошкент виллоятида Бизнесни ривожлантириш банкининг фаол жисмоний шахс миқозлари сони 68 минг 636 нафарни ташкил этади. Микро, кичик ва ўрта бизнес субъектлари бўлган миқозлар сони эса 4 минг 851 нафарни ташкил этади.

Марказ мутахассиси, хизматлар бўлими раҳбари шундай деди:

"Биз ҳозирги кунда миқозларга энг замонавий, тезкор хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ҳар



Biznesni Rivojlantirish Banki

бир миқоз банкка келганда ўзининг уйддай ҳис қилиши учун шароит яратиш — бизнинг асосий вазифамиз. Бу ерда барча жараёнлар электронлаштирилган ва рақамли тизимлар жорий қилинган".

Пресс-турнинг иккинчи манзили "Томорқа мактаби" — "Янгийўл — Агростар" иختисослашган компанияси бўлди. Мазкур компания помидор, булғор қалампир ва қўқатлар етиштиришга иختисослашган. Танишув давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг миллий брендини яратиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумотлар олддик.

Мазкур мактабда томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжалиқлари вакиллари учун гуруҳи учун ҳафтада 4 кун ўқув машғулотлари ташкил этилади. Машғулотлар тажрибали профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Хусусан, "Янгийўл — Агростар" компаниясида туркиялик малакали, олий тоифали агроном Ченгиз Ялчин жалб этилиб, ушбу малакали мутахассис ҳам ер

эгаларига ўзининг амалий билимларини беради. Шунингдек, франциялик мутахассис, "Европа consulting" компанияси эксперти Станислав Энрион билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатилган. У ўрганишларидан келиб чиқиб, иختисослашган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ривожлантириш бўйича тавсияларини бериб боради. Йил якунига



қадар 600 га яқин томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжалиқлари вакиллари ўқитиш режа қилинган.

Бу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент давлат аграр университети, Сабзавотчилик ва тупроқшунослик илмий текшириш институти ҳамда "АГРОЛАБ" илмий-текшириш лабораториялари билан келишувларга эришилган. Энг муҳими, машғулотлар назарий, амалий ва кўча тарзда ташкил этилади.

Бундан ташқари, "Томорқа мактаби" тингловчилари агробизнес сектори учун зарур бўлган лаборатория таҳлили хизматларини тақдим этиш учун мўлжалланган "АГРОЛАБ УЎҚМ" МЧЖ синов лабораториясида 3 кун давомида олинган назарий билимларини мустаҳкамлаб, тупроқ, сув ва мева-сабзавотларнинг таркиби, таҳлили, экспорт қилинадиган

маҳсулотларга олинадиган сертификат учун қўйилган талаблар билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунга қадар "Томорқа мактаби"да 80 га яқин томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжалиқлари вакиллари ўқитилди. Йил якунига қадар бу кўрсаткичи 600 тага етказиш режа қилинган.

Янгийўл шаҳридаги "WELLTEX" текстиль корхонаси ҳамда дон ва ун маҳсулотларини қайта ишловчи "MRFLLOUR" заводидagi ишлар янада тахсинга молик. Ҳозирда корхона маҳсулотлари Афғонистонга экспорт қилинмоқда.

— Умумий лойиҳа қиймати 25 миллиард сўмни ташкил этади, — деди

бошқарувчиси Насиба Султонова. — Корхона йиллик 1 млн дон кийим-кечак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бу 800 млн сўм даромад ёки бюджетга қўшимча 207,4 млн сўм маблағ деганидир. Бу ерда, асосан, тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Мазкур текстиль корхонамизда икки сменада иш ташкил этилган. Бугунги кунда корхонамизда Янгийўл шаҳридан 50 нафарга яқин хотин-қиз доимий иш ўринлари билан таъминланган. Корхонанинг маҳсулотлари Қозоғистон, Россия мамлакатларига экспорт қилинади.

Сафаримиз давомида Оҳангарон шаҳридаги маҳалла банкирлари фаолияти билан танишув ҳақида ҳам икки оғиз.

Ҳасан Мамарасулов Тошкент виллояти Оҳангарон шаҳар Шодлик маҳалласига маҳалла банкири сифатида бириктирилган. Ишни ҳудудларни ўрганиб, белгиланган кўрсаткичлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқароларга кредит ажратиш орқали уларни қўллаб-қувватлашдан бошлагани.

— Ўзим масъул бўлган маҳаллаларни айланиб, хонадонларни битталаб ўрганилман, — деди Ҳасан Мамарасулов. — Одамларнинг эҳтиёжи, талаби, имкониятларини аниқлаштириб оламиз. Шу асосда ишлар ташкил этилади. Чунки олдимизда иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали оилаларни камбағалликдан чиқариш вазифаси турибди. Бугунги кунда ҳар бир маҳалладан тадбиркор бўлиш истагидagi фуқаролар билан суҳбатлашиб, уларнинг бизнес-режалари билан танишиб, 60 миллион сўмгача кредит ажратялмиз.

Хусусан, Тошкент виллояти Оҳангарон шаҳар "Янгиобод" МФИда жойлашган "PANDA MANTI" МЧЖ умумий овқатлаш шохобчаси масъули ҳам ушбу имкониятдан фойдаланди. Ушбу умумий овқатлаш шохобчасига замонавий асбоб-ускуна сотиб олиш мақсадида Бизнесни ривожлантириш банкidan 60 млн сўм кредит олиб, ошхона фаолиятини кенгайтирган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг ҳар бир бурчига ана шундай мақсадларга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳаларнинг молиявий ман-

балари ҳам яратиб берилмоқда. Хусусан, жорий йил бошиданок давлатимиз раҳбари топшириғи билан юртимиздаги тижорат банклари "Маҳалла лойиҳаси" дастури доирасида 1 миллиард доллар кредит маблағлари ажратилди. Қолаверса, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича банклар томонидан 300 миллион сўм миқдоридagi шартсиз кредитлар бериш бошланади.

Яна бир маълумот, Тошкент виллоятида Бизнесни ривожлантириш банкига 67 та маҳалла бириктирилган. Ушбу маҳаллаларда 24 та маҳалла банкири ва 67 нафар маҳалла агентлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мубайида маҳалла банкири ва агентлари томонидан 13 минг 984 та микролоиҳалар амалга оширилиб, уларга 329,9 млрд сўм кредит ажратилган.

Мазкур маблағларни тўғри ва тартибли йўналтириш ҳам муҳим масала. Аҳолига кредит олишдан олдин ундан самарали фойдаланиш йўллари ўргатиш, аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш зарур. Бу борада маҳалла банкирлари яқин кўмакчига айланди. Мазкур тизим аҳоли манфаатларини самарали қўллаб-қувватлаш ва маҳаллаларда иқтисодий фаолликни оширишнинг янги босқичини бошлаб берди. Зеро, айнан Бизнесни ривожлантириш банкнинг маҳалла банкирлари ва агентлари фаолияти натижасида ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан биргина Тошкент виллоятида 28 минг 629 та иш ўрни яратилган.

Ҳолис айтганда, "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан ташкил этилган пресс-тур замонавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги ва кичик бизнес соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳалар ҳамда уларнинг ҳаётга таъсири ҳақида кенгрок тасаввур берди.

Мутахассислар ва тадбиркорларнинг сўзлари орқали янада аниқ бўлдики, банкнинг инвестиция сиёсати — бу нафақат иқтисодий, балки ижтимоий тараққиётнинг самарали воситаси. Янги технологиялар, иш ўринлари ва экспорт имкониятлари билан бoғлиқ лойиҳалар мамлакатимиз фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда.

Ўз муҳбиримиз.
Хизматлар лицензияланган.

ХОТИРА

Талаблик йилларимиз эди. "Бир қайнови ичида гаплар"дан ёзиб, ҳали сиёҳи куримасдан "Муштум" журнали тахририятига югурдим.

Уша пайтларда, аниқроғи, 1983 йилда журнал ҳар ўн беш кунда — бир, ойда икки марта чоп этиларди. Тахририят эшигидан мўраладим. Хонада икки-уч кишининг гурунги авжида эди.

— Келинг, укажон, тортинмасдан киравермайси, барака топгур? — дея юзида табассум билан мени ичкарига таклиф қилди очик чехрали киши. Бу кўнгли очик, самимий инсон Неъмат Аминов эди. — Бир нима ёзиб келганга ўхшайсиз, қани ўқиб кўрайлик-чи, — деди қўлима ушлаб турган қозога ишора қилиб.

Мен "бетакорор кўлёмаларим"ни у кишига узатдим. Неъмат ака қоғозга кўз югуртира бошлади, бир вақт шарақлаб кулиб боборди.

— Зоҳиджон ака, қулоқ солинг, — дея ёнидаги Зоҳиджон Обидовга юзланди ва "Бир қайнови ичида гаплар"ни овоз чиқариб ўқиб берди. — Барака топинг, укажон, кўпроқ ёзинг. Кейин хандалар, ҳажвиялардан ҳам бўлсин.

Шу тобда қувончим ичимга сигмасди. "Муштум"да кетма-кет машқларим босилди. Фамилиям Айизов эмас, Азизов бўлиб кетибди.

— Э, укагинам, хафа бўлмайсиз-да энди, фамилиянгиз Аист /Лайлак /ов эмасмиди, ишқилиб? Бу ҳазил, укажон. Кейинги сонда хандаларингизни беряпмиз. Энди фамилиянгиз бехато чиқади. Ёзиб туринг, хўпми?..

Ушанда мендек оддий талабанинг қораламаларини ўқиш, маслаҳат бериш, қизгин гурунгни тўхтатиб, нота-ниш кимсага меҳр кўрсатиш айтишга осон. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу Неъмат Аминовнинг самимийлиги, кўнгли очиклигидан эди.

1998 йил. Узоқ йиллар Қашқада-рёда фаолият юритиб, пойтахтга ишга келдим. Ҳажвий ҳижоляримни тўп-лаш ҳолига келтириш ниятида Неъмат Аминов раҳбарлик қилаётган нуфузли ишхонага йўл олдим.

УСТОЗ МЕҲРИ

Бетакорор адиб ва муҳаррир, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовни эслаб...

Менга бошдан-оёқ разм солган котиба:

— Бошлиқнинг вақтлари зиқ, ҳеч кимни қабул қилмайдилар... — деди. Мен негадир ишонч билан:

— Бир оғиз айтиб қўйсангиз, вақтлари бўлмаса, бошқа кун келаман, — дедим.

Котиба бир зумда ичкарига кириб чиқди:

— Кирар экансиз...

Неъмат Аминов мени ҳар доимгидек яна очик чехра билан қарши олди. Фикримни айтдим.

— Жуда яхши ўйлабсиз-да, Абдуллажон, ҳажвияларни ўқиб чиққан, маъқул бўлса, фикримни айтаман.

Ёзанларимни ташлаб кетдим. Орадан анча кунлар ўтган, мен хизмат қилаётган газетанинг бош муҳаррири хонасига чақириб:

— Сизни Неъмат Аминов сўради... — дея саволомуз тикилди. — Учрашар экансиз.

Устоз тагин меҳр билан қаршиладилар:

— Укажон, ўқидим. Ижодингизга барака. Мана, сўзбоши ҳам ёздим. Ғайрат қилинг, — дея самимий истаклар билдирдилар.

Шундай қилиб, "Бир гап бўлар" номли ҳажвий ҳижоляр тўплами Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов сўзбоши билан чоп этилди.

Орадан йиллар ўтди. Энди ўйласам, соддалик курсин, ўшанда тушунмаган эканман. Катта лавозимда ишлаётган, минг бир ташвиш билан машғул бўлган, ҳатто бироз ором олишга ҳам вақти етишмаётган, ҳам раҳбарлик масъулияти, ҳам бадиий ижод фикрини чулғаган, бунинг устига, ёши улуг адиб — Неъмат Аминов қораламаларини ўқишга фурсат топибди. Буни чин инсонийлик меҳри деса бў-

лади.

Устоз шифохонага тушиб қолганларини эшитиб, кўргани бордим. Ўзлари бир аҳволда бўлсалар-да, қўллариди "Афанди" газетаси. Палатадаги стол устида газета ва журналларнинг янги сонлари... Назира келиноий устознинг атрофида парвона. Бухороий шарифдан сингиллари, куёвлари келиб қолиши. Аҳволлари оғир бўлса-да, кўришга келганларга миннатдорчилик билдирар, ҳазил-хузул сўзларни айтишга ҳаракат қилардилар. Орадан бир неча кун ўтди. Нетонгки, бетакорор ижод соҳибни, машхур ҳажви Неъмат Аминовнинг вафоти ҳақидаги совуқ хабар дилларни вайрон қилди.

Устоздан қолган бебаҳо мерос — сара асарлар адабиётимизнинг ютуғи ҳисобланади. Адибнинг умри ўз асарларида давом этaveraди. Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон айтганидек: "Йимонли инсон эди Неъмат ака, ҳалолликнинг нодир намунаси эди. Ҳатто салбий қахрамонларни ҳам худди унинг кўнглини авайлаётгандек ҳақоратомузликдан йироқлашиб таърифлар эди".

Неъмат Аминовнинг садоқатли шогирди, таниқли адиб, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев таъкидлаганидек:

"...Кулги Неъмат Аминовни излаб юрарди. Ўз навбатида Неъмат Аминов ҳам яхши кулгини ахтаришдан тўхтамасди.

Устоз адиб Неъмат Аминов кулги билан туғилиб, кулги билан яшаб ўтди. Умрбод кулгига, ҳажва содиқ қолди. Бухоро ва бухороликларнинг барҳаёт кулгисини адабиётда муҳрлаб кетди. Унинг ҳалоллик билан тутган қалами асло титрамади..."

Ҳажвий адабиётимиз ривожига ул-

кан ҳисса қўшган устоз адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминовнинг "Икки пуллик оёру" номли илк китоби биланоқ мухлислар эътиборини қозонган эди. Ўзбекистоннинг "Қирқ учинчи почча", "Лабиҳовуз хандалари", "Тилло табассумлар" сингари ҳажвий китоблари қўлма-қўл ўқилди ва ўқилапти. Адибнинг "Елгончи фа-ришталар" ҳажвий романи ўзбек адабиётида воқеа бўлди.

Неъмат Аминовнинг "Қаҳқаҳа" сайланмаси, "Бир аср ҳижоляр" асари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинган.

Сермаҳсул адиб Неъмат Аминов роман, қисса ва ҳажвий ҳижоляр яратиш билан бирга бошқа халқлар адабиётидан бир қанча ҳажвий асарларни ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди. Булар: Мольернинг "Сохта оқсуяк", Дерфашнинг "Тирқиш", Сергей Михалковнинг "Думалоқ хат", Гориннинг "Сен ким-у, мен ким?" каби комедиялари, Чехов, Зошченко, Азиз Несин каби ёзувчиларнинг ҳажвий ҳижолярлари.

Неъмат Аминов узоқ йиллар "Муштум" журналида фаолият юритди. Журнал бош муҳаррири сифатида ижодий жамоага бошчилик қилди. Республика Маънавият ва маърифат марказида раҳбар бўлди. Қаерда, қайси лавозимда фаолият юритмасин, очик кўнгли, самимий, беназир инсонлигини асло тарк этмади. Одамлардан, ҳамкасблари ва шогирдларидан, ёш ижодкорлардан ўзининг қимматли маслаҳатларини аямади. Бир сўз билан айтганда, ўзидан яхшиликлар, эзгуликлар қолдирди.

Абдулла АЙИЗОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар ва
Журналистлар уюшмалари аъзоси.



НАСР

Ашурали ЖўРАЕВ

Кўнгли иншолари



Муаллиф ҳақида:

Ашурали ЖўРАЕВ — Навоий вилояти, Кармана туманидаги Жалойир қишлоғида туғилган. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият (ҳозирги санъат ва маданият) институтини тугатган. "Муштум", "Афанди", "Гулхан", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" сингари бир қанча республика нашрларида маъсум вазибаларда фаолият юритган. "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилган.

Таниқли публицист ва ёзувчи. "Тошбақалар пойгаси", "Юрак бўронлари", "Ўқ узган ким?", "Сенга кўнгли берсам", "Дил гавҳари", "Майсалар уйғонган тон", "Саҳифага сизга сатрлар", "Эсар Жайхун шамоллари", "Конверт одам" каби кўплаб китоблари нашр этилган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

— Арзим бор, — деди ишчи. XXI аср. Ҳокимнинг қабулига таниш-билиш қилиб келган "камбағаллар дафтери"да рўй-хатда турадиган аёлдан сўрашди: — Сизга нима керак? — Арзим бор, — деди аёл. Айнан шу куни Халқ қабулхонасига на-биралари кўмагида келган оқсоқолдан сўрашди: — Сизга нима керак, отахон? — Арзим бор, — деди оқсоқол. Сабригга тасанно! Шунчалар чидамли, барҳаёт ва умринг узоқ бўлмаса, эй, арз!..

ГУНОҲ ЮКИ

Юк ортилган турфа араваларни кўрамиз. Юк ташиётган автолар, поездлар, ҳатто самолётларга дуч келамиз.

Лекин ҳаётда энг ёмон, энг пасткаш одалардан бири — гап ташиган гийбатчи, ҳасадгўй, фитначиларни ҳам кўп кўрамиз. Гап ташиш оғир ва кечирилмас гуноҳ эканлигини улар билармикан?

Гуноҳ юки шу қадар зилки, уни аравано-поездлар, автолар-у самолётлар ҳам тортолмайдилар. Гуноҳ юки остида қолиб кетма, гуноҳкор банд!..

АЙБИ ЙЎҚ ОДАМ

Ўзи ёки бошқа одам қилган айбини бошқа бировга тўнкаш — ўта ожизлик.

Бировни билмасдан айбдор дейиш — катта гуноҳ.

Айби йўқ одамнинг айбини зўр бериб исботлашга уриниш — ғирт аҳмоқлик.

АТРОФИМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Базан ўйлайман: ҳаётда раҳмоний инсонларни кўп кўрдимми? Ҳайтоний одамларинми? Тўғриси, раҳмонийлардан кўра шайтонийларга тез-тез дуч келаман. Уларнинг майдаларидан тортиб, катта-каттасини, оқсоқолу кўксоқолни, додахўжасини, амма-холаси-ю тоға-жиянларини кўп учратдим. Улар йўлларда, тўй-ҳашамларда, маъракаларда ҳамроҳ бўладилар. Базан улар билан бир лагандан ош ейман. Айримлари билан бирга ишлайман. Ҳатто улфатчилик қиламан. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, қилиқлари, муомалалари, гап-сўзларидан англаб етдимки, гўё шайтон қиёфасига кирмасанг, унинг фириб йўлидан юрмасанг, яшолмайсан, деб ўйлаётган тоифадагилар кўпайиб кетмаяптимкин?! Базан шайтонизм бошланмадимикан, деб даҳшатга тушаман.

Сиз ҳам атрофингизга бир қараб олинг, кимларни кўрасиз: раҳмонийларинми ё шайтонийларинми?..

СЎЗ — ХАЛОСКОР

Сўзни ҳеч қачон увол қилманг. Сўзинг гуноҳга ҳеч қачон қолманг. Сўз бир кунли алоҳида ўч олади. Сўз — муътабар, сўз — улуг, сўз — халоскор!

КЎРҚУВ

Қўй бўридан кўрқиб яшайди. Бўри шердан кўрқиб яшайди. Қўён тулкидан кўрқиб яшайди. Тулки арслондан кўрқиб яшайди. Арслон одамдан кўрқиб яшайди. Одам одамдан кўрқиб яшайди...

КУЮНЧАК ТАРБИЯЧИ

"Афросиёб" поездида навоийлик Мақсад исмли тарбиячи аёл билан ҳамсухбат бўлиб қолдик. У гап орасида куюнчи шундай деди:

— Мени ҳаммиша бир нарса жуда қийнайди. Бизнинг боғчага ишбилармонлар, тадбиркорлар, пулдор бозорчилар, дўкондорлар фарзандларини олиб келадилар. Улар: "Болаларимизга қандай таълим берасизлар?", "Қандай ҳарф танитиб, қандай китоб ўқишни ўргатасиз?" деб эмас, "Қандай оқват берасизлар?" деб сўрайди. Бу савол одамнинг юрагини зирқиратиб юборади. Хафа бўлиб, қийналиб кетамиз...

КУЁШМИ, БУЛУТ?

Чарақлаб турган қуёш юзини кутилмаганда қоп-қора булут қоплаб олди. Қуёш кўринмай қолди. Осмон гўё бир неча лаҳза зимистонга айланди. Айнан шу ҳолат рўй берган вақтда бир қян дўстим билан телефонда гаплашиб турган эдим.

Бу манзара қуёш батамом йўқолди, дегани эмас. Аксинча, қилмишидан "пушаймон" бўлган булут ўзини аста четга олди. Олам яна ёришиб кетди. Юраклар ҳам... Бизнинг суҳбатимиз кутилмаганда оддий баҳса айланди... Айт-чи, дўстим, сен қуёшмисан ё булутми?

САБОҚ

Тарих берган сабоқ: давлат — калтак, фуқаро — шохлари эгилган мевали дарахт. Калтакка исталган пайтида мева қоқиш ҳуқуқи берилган. Калтакка ҳаммиша инсоф ва адолат тилаймиз. Лекин...

ОЙНА

Ойнага қараган эдим, ўз аксимни кўрдим. Кўрдим-у кўзларимни дарҳол юмиб олдим. Ойна-чи, у нимани кўрди экан?..

Хайрият, ойнанинг тили йўқ. У ҳақиқатни айтганида борми, роса уялиб қолардим. Кейин ойнага қандай қарар эдим?..

ОВОЗ

Бир дадил ва ўқтам овоз қулоғимга яқин келиб, ичкарига киришга изн сўради: — Менга рухсат бер. Ичкарига кирмоқчиман, кўп соҳада тажрибам етарли. Ҳали сенга керак бўлиб қолишим мумкин. Фақат эски овозман, — деди у. — Бизга янги овоз керак...

ЖИМЖИТЛИК

Базан мардлик ва жасорат сўзини дадил ёзсам, кимдир буни шартта ўчириб, кўрқоқ сўзини ёзмоқчи бўлади. Бойлик сўзини айтсам, камбағалларнинг кўзлари ёшланади, диллари оғриди. Ҳалоллик сўзини гурур ва ибрат билан га-

ПИРИШГА ЧОҒЛАНСАМ, УСТИМДАН ҚУЛИБ, НУКУЛ ПОРА ТИРЖАА БОШЛАЙДИ.

Мақтов сўзи оғзимдан чиқиши билан қарсақбозлик ва офаринбозлик авж олади. Сабр сўзини ёзишим билан атрофини савол ёмғири босиб кетади: "Қачонгача?!"

Китоб сўзини тилга олишим билан жимжитлик ва сукунат бошланади. Гўё ҳамма тилини тишлагандай...

ЁЛҒОН

Ёлғон кимлар учун — манфаат. Ёлғон кимларга келтирар кулфат. Ёлғон кимларга ошна-ю улфат. Ёлғон иккиқат бўлар ёлғонга фақат.

БИРИ...

Бири яхши, бири ёмон ичинда, Бири баҳор, бири аёз ичинда. Бири доно, бири нодон ичинда, Бири чора, бири пора ичинда. Бири шароб, бири хароб ичинда, Бири дуо, бири гуноҳ ичинда. Бири бойлик, бири хорлик ичинда, Бири тўқлик, бири йўқлик ичинда.

ИНСОН ҚАДРИ

Бизда одамларга таъриф беришда меъёр сўзи бегона. Агар бир одамни мақташ зарурати туғилса, унда йўқ фазилатларни ўйлаб топиб, йўқ "истеъдод"ни қўшиб, еттинчи осмонга олиб чиқиб, юлдузлар тўдасига ошно қилиб қўямиз.

Агар ўша одамни бадном қилиш ё қоралаш зарурати пайдо бўлса, ўша заҳоти уни тупроққа қориб ташлаймиз.

ФИКР

Ҳаёлимда қақмоқдай пайдо бўлган жуда ноёб, эшитганларни ҳайратга соладиган ўткир фикрни кимдир сезиб қолди. Фикрни қозоғга туширишга ҳам, бировга айтишга ҳам улгурмадим. Худди пластик картадан пул ечиб олган ҳақердай фикримни гумдон қилди. Ё ўз ҳаёлига ўтказиб олди ё керакли жойга топшириб юборди. Фикримни ким ўғирлаганини билолмадим...

Пул ўғриси, тилла ўғриси, машина ва бошқа турдаги ўғирликлар борлигини билардик. Энди фикр ўғриси ҳам чиқибди. Фикрини эҳтиёт қилинг!

ДОНИШМАНДНИНГ ТУГИЛИШИ

Тарбия жараёнида шундай бир ачинарли қусуримиз бор. Агар она бирор юмуш билан банд бўлиб турганида, тили чиқиб, гапиришни бошлаган боласи бир нарса сўраса, она "йўқол!" деб бақириб беради. Агар бола қайта-қайта сўраса, тарсаки туширадиган оналар ҳам топилади. Айримлари: "Бунча

СЕРСАВОЛСАН, КЎЗИМДАН ЙЎҚОЛ!"

деб жеркийди. Боласининг ёш юраги озор чекади, кўнгли қаваради.

Унутманг, гапиришни бошлаган боланинг турли мавзудаги аралаш-қуралаш саволларига эринмай, сокинлик ва меҳр билан жавоблар берган она келажакда бир донишманд ё теран тафаккурли инсонни тарбиялаётган бўлади.

"КЎЗИНГИЗНИ ОЧИНГ"

Кўз доктори хузуридаман. У кўзларимни аппарат ёрдамида текшириш жараёнида: "Кўзингизни очинг, катта очинг", деб қайта-қайта такрорлади.

Бу сўзлардан ҳаяжонланиб, вужудимга титроқ кирди. Беихтиёр ҳаёлимда кутилмаган саволлар чарх ура бошлади. Нега болалигимда, катта бўлганимда бу ҳаётий сўзларни айтишмаган. Нега?! Ўзимиз ҳам фарзандларимизга бу ибратли сўзларни нега айтмаймиз?..

Токи кўз докторлари "кўзингизни очинг, катта очинг", деб оғохлантирмасдан бурун кўзларимизни очини ўрганайлик.

ҲАМСОЯ САТРЛАР

Жасорат дер: сўзинангни айт-айт. Айтолмасам нетайин. Кўрқув дейди: бу йўлингдан қайт-қайт. Қайтолмасам нетайин. Ҳадик ҳамроҳ, шубҳалидир байт-байт. Сўзломмасам кўямин. Кел, яхшиси, биродар, тўғрисиўзининг до-рига Осилблар кетайин.

ЁЛҒОНЧИ ДУНЁ

Дунё, сенинг чиройли ёлғонларингга ишонмай қўйдим. Энди макрларингга учмайман. Умуман, қарашма-ю нозларингга парво ҳам қилмайман. Жилваларингга қайрилиб қарамайман. Сен минг бир найрангларинг билан лўлига ўхшаб аврайсан. "Бахтиндан очайму, тахтиндан очайму?" — деб жодугарлик қиласан.

АРЗ

XVIII аср. Подшоҳ саройи эшигига оддий ҳунарманд амаллаб етиб келди. — Сенга нима керак? — Арзим бор, — деди ҳунарманд. XIX аср. Хоннинг аркига қийналиб етиб келган деҳқондан сўрашди: — Сенга нима керак? — Арзим бор, — деди деҳқон. XX аср. Шўро даври саркотиби қабулхонасига азоблар билан етиб келган ишчидан сўрашди: — Сен нима хоҳлайсан?

КЎНГИЛ КЎЧИРМАЛАРИ

БОБОМ — МЕНИНГ ҲАЁТ МАКТАБИМ

“Шарқ юлдузи” журнали эски сонлари кўлимга тушиб қолди-ю, ундаги мақолалар анчадан бери мулоҳаза қилиб юрган мавзунини қозоғга туширишимга сабаб бўлди.

Шахсий архивимда “Қирғизистон ҳақиқати” газетасининг 1957-1958 йиллардаги тахлamlари бор. Фрунзеда, ҳозирги Бишкекда чиққан газетата биринчи бўлиб бобом Нўмонжон Ғуломов муҳаррирлик қилган.


Бу газеталар тахлamlарини ўш вилояти газетаси тахририятига тақдим этсамми, деб иккилашиб юрган эдим, устоз Мухтор Худойқулов билан кўришиб қўлиб, у кишидан ҳам бу ҳақда фикр сўрадим. Устознинг таклифи Алишер Навоий номдаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига топшириш тўғрисидаги иккилашиларимни тарқатиб юборди...

“Шарқ юлдузи” журналининг 2017 йил 12-сон ва 2018 йил 1-сонда таниқли журналист Ёқубжон Хўжамбердиевнинг “Қалдириглар баҳорда келади” қиссасида келтирилган бир воқеа эса мени ўйлантирди, тўғриси, илҳом берди.

Асарда ўш вилоят компартиясининг органи, ўзбек тилида чоп этилган “Коммунист” газетасининг биринчи муҳаррири Муроджон Собиров ҳақида илқ лавҳалар бор. Мени эса газетанинг тарихи қизиқтирди. 1987 йилда Фрунзе шаҳрида чоп этилган “Ошская область” энциклопедиясидан иқтибос:

“Аравонбура, Жалолобод, Бозорқўрган ва Қирғизистон жанубининг бошқа районларида тарқатилган ўзбек тилида чиқадиган “Коммунист” газетасининг биринчи сони 1932 йил 12 апрелда Тошкентда чоп этилган. Газета ҳар ўн кунда бир чиқиб турган. 1933 йилда газета икки саҳифалик бўлиб, адади етти мингтаи ташкил этган. ВКП(б) Қирғизистон вилоят комитетининг 1932 йил 29 декабрда “Қизил пахтачи” ва “Коммунист” газеталари редакциялари ҳақида” деб қабул қилган қарориде мазкур газеталар социалистик қурилиш соҳасидаги вазифаларни бажаришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, деб кўрсатилган. Кейинги йилларда “Коммунист” газетаси “Пахта учун”, “Ленин йўли” номи билан чиқа бошлади. Ҳозирда унинг номи “Уш садоси”.

Ёқубжон ака Тошкентдаги Алишер Навоий номдаги давлат кутубхонасидан газета тахлamlари топа олмаганини афсус билан ёзади.



Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси собиқ раҳбари Зухриддин Исомидинов “Коммунист” газетаси тугул, 50-йилларнинг охирида ўзбек тилида чоп этилган “Қирғизистон ҳақиқати” газетасининг ҳам тахлamlари йўқлигини маълум қилди.

Яна ҳам қизиги, “Қирғизистон ҳақиқати” газетасининг тахлamlари элчиҳона орқали Москвадан олиб келтирилгани, аммо маълум вақт ўтиб, ўша тахлamlар “макулатура”га бериб юборилганидан хабар топади.

Суриштирув пайтида айбдорнинг бебаҳо тахлamlарини “сотиб” юборгани тўғрисидаги жавоб ҳаммасидан ўтиб тушади: тўй қилаётган эдим, пул керак эди...

Қиссада “шундан кейин эски газеталарни қидиришни бас қилдик...” дейилади.

Қўшни республика матбуотида “Қирғизистон ҳақиқати” газетасига “дастлаб Қирғизистон компартияси Марказий кўмитасининг бўлим мудури Маҳмуджон Исмоилов, кейинроқ Тошкентдан таклиф этилган журналист Нўмон Ғуломов бош муҳаррир бўлди”, деб ёзил-

ган. Назаримда, бу ерда янглишлик бор. Қўлимдаги тахлamlанинг биринчи сонидан бир ой давомида бобом “Муҳаррир вазифасини бажарувчи” бўлган. Кейин Марказқўм пленуми у кишини муҳаррир ва Марказқўм аъзоси этиб тайинлаш ҳақида қарор чиқаради.

Ўша йиллари газетата олис Олабуқадан Турсунбой Адашбоев, Сузоқдан Жўравой Қурашев, Бозорқўргондан Ўсканбой Матқосимов, Мосидан Қодиржон Собиров, Аравондан Усмон Тоштеммиров, Ўшдан Қўлдош Бекмирзаев, Ўзгандан Ҳайитбой Ҳақимов (“Машъал”) ва Абдуғани Абдуғафуровнинг шеър ва ҳикоялари, долзарб мақолалари мунтазам чоп этилиб турилади.

Совет Иттифоқи Марказқўмининг 1959 йил 31 июндаги қарори билан бир қатор даврий нашрларга барҳам берилади. Мазкур ҳужжатнинг 4-бандида: “Ўш вилоятида (ҳозирги Жалолобод ва Боткент вилоятлари) ўзбекларнинг салмоқли қисмини ташкил этишини ҳисобга олиб, Қирғизистон ССР Компартияси МҚ таклифини инобатга олиб, унинг органи “Қирғизистон ҳақиқати” газетасининг аввалги шакли ва нашр чиқишларини сақлаб қолган ҳолда Ўш вилояти газетасига айлантирилсин”, дейилган.

1959 йили газета Ўшга кўчирилди ва “Ленин йўли” номи билан вилоят газетаси мақомада чиқа бошлади. Газетата собиқ фронтчи журналист Ҳалимжон Ҳамидов бош муҳаррир этиб тайинланади. Фрунзе шаҳридан журналистлар — Ҳайитбой Ҳақимов, Турсунбой Адашбоев, Раънохон Сарибоева, Болтабой Юсупов, машинистка Санобархон Тошматовалар Ўшга кўчиб келишади. Аравондан Холдоржон Қуронбоев, Абдуқаҳҳор Маннонов, Талъат Солиевлар, Қорасувдан Холматжон Юсупов, Ўшдан Турсунбой Абдуллаевлар тахририят жамоасига қўшилилади.

Бобом газетата бир мартагина ўз исмлари билан мақола чоп этган. Унда янги чоп этилиши бошланган газетанинг мақсад ва вазифалари айтилади ҳамда 1956 йилда Қирғизистоннинг иқтисодий ютуқлари шарафланади.

Компартиянинг ҳукмронлик пайтида унинг барча органларида беш кун давомида мамлакатнинг долзарб мавзуларида бош мақолалар ёзилган, уларнинг аксариятини муҳаррирлар ёзишган (“бош” сўзи мустақиллик даврида қўшилган).

Катта-кичик бари — зиё аҳли кунини газетанинг бош мақоласини ўқишдан бошлаган, чунки унда бугуннинг энг муҳим мавзуси қа-

ламга олиниб, ҳукмрон партиянинг роли ва ташвиши очиб берилар эди.

Газета фаолиятдан ташқари унинг ижодкорлари турли таржима ва бадиий кенгаши ишларига жалб қилинар эди. Ана шулардан бири “Манас” эпосининг таржимаси эди.

“Манас” ўзбек тилига кўп марта таржима қилинган бўлса-да, таржима қилиш давом этмоқда.

“Манас” таржимасининг биринчи китобининг дастлабки боблари “Қирғизистон ҳақиқати” газетаси таржимонлари томонидан амалга оширилиб, мазкур газетата чоп этилган. Ундан кейин Миртемир, Султон Акбарий, Турсунбой Адашбоевларнинг таржималари бор.

...Бобом Фрунзега кетмасидан олдин, урушдан қайтган, Ўзбекистон Марказқўмида матбуот хизматини бошқарган, ЎзТАҒ — ҳозирги ЎзАда директор бўлган, “Қашқадарё ҳақиқати” газетасига муҳаррирлик қилган.

Қайтиб келгач, “Қизил Ўзбекистон” газетасида партия турмуши бўлими мудури, Ўзбекистон нашриёти ишлари, полиграфия ва китоб савдоси кўмитаси — ҳозирги АОКАда маҳаллий (худудий) бошқармалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи бўлган.

...Мақтабнинг биринчи синфини битирган ийлим бобом мени Андижон-у Арслонбоба олиб борганди. Кузга бориб эса тўшакка михланади. Ўша пайтда уйга рус ва ўзбек тилларида бир дунё газеталар келарди. Мен уларга газеталарни ҳижжалаб ўқиб берардим. Бош мақоланинг аҳамиятини тушунтириб, “Правда” газетасидан унинг жойлашуви андоза олиншини тушутирган эди. Русчада тутилиб-тутилиб уни ўқиб берар эдим. Бобомни яхши кўрганам учун унинг барча истакларини бажарардим. Назаримда, шу газеталарни ўқиб берсам, у тузалиб кетадигандай туюларди.

Ўзининг хасталиғи, унинг устига, отамнинг бевақф бу ҳаётдан кўз юмishi уни ҳам боқий дунёга кетишини тезлаштирди. Бобом, бобо-жоним 1977 йили 65 ёшида Ҳақнинг раҳматига қовушди. Журналист, кейинчалик дипломат бўлиб камол топишмида бобомнинг ҳаёти ва фаолияти мен учун ҳаёт мактабим бўлди. Шу сабабларда бахт топдим, саодат топдим, китоблар ёздам, ёзувчи бўлдим.

Аброр ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ШЕЪРИЯТ

Ориф ҲОЖИ

Ўзбекнинг ўзбеклиги адлу адолатдадир

ЎЗБЕК

Ўзбекча сўйлаш билан ўзбек бўлмади одам, Ўзбекка бағрикенглик мерос Одам Атодан.

Ўзбекнинг ўзбеклиги адлу адолатдадир, Ўзбекнинг ўзбеклиги хайру саховатдадир.

Меҳру оқибат билан ўзбек ўзбек бўлади, Урф билан, одат билан ўзбек ўзбек бўлади.

Ўзбек орини сотмас, сотса, сотар отини, Беш бармоғидай билар ўзбек етти сотини.

Ардоқлар аждодини, пирим дер устодини, Қордай мусаффо бўлар асл ўзбек ботини.

Нон деб яшамас ўзбек, ўзбек шон деб яшайди, Етти яшар ўғлини хон-султон деб яшайди.

Камситмайди бир-бирин, улугғайди ҳаммаша, Ўзбек яхши билади: кишининг кўнглин шиша.

Ардоқлар Наврўзини, аямас нон-тузини, Отасининг сўзини фармон деб яшар ўзбек.

Ўзбек ёт-ёғийга ҳам яхшилиқ соғинади, Заминни онам, дейди, Худого сигинади.

Ўзига тиламасдан, эл-юртта тилар ўзбек, Қўшнисидан қарз олиб, худойи қилар ўзбек.

Бунёдкорлик қониди, мисолдир Соҳибқирон, Қўлидан обод бўлди, арабу ҳинду эрон.

Ишонмасанг, Аграга бориб кўр Тожмаҳални, Бинопардан халқига кўйиб кетган ҳайкални.

Шоҳрух Эрон-Туронни қирқ йил обод айлади, Улугбек осимонни “Зич” лаб маҳкам бойлади.

Хайру ҳасанот қилган ўзбекнинг боболари, Ҳиротни Ҳирот қилган ўзбекнинг боболари.

Навоийнинг ҳиммати бир давлатдан бой эди, Ўнгиди Хуросону сўлида Хитой эди.

Еру кўк орасида нек ниятдир ўзбегим, Ёмонлиқни ўйламоқ айб-уют, дер ўзбегим.

Қанча ёмонлик кўрса, ўзбек ичга ютади, Ҳаттоки душмандан ҳам бир эзгулик кутади.

Санаб бир-бир барчасин вақтингизни олмайман, Ўзбек бунёдкор бўлар, деган сўздан қолмайман.

Кимки бузмакор бўлса, ўзбек эмасдир мутлоқ, Ўзбекман, деб алдаган Ултонтоздай бесийёқ.

Ўзбекнинг ўнг қўлида саховат кафгири бор, Унинг Яланғоч ота — назарқарда пири бор.

Гар Исқандар бўлса ҳам ҳеч пирсиз юрмас ўзбек, Йиқилганин тепмайди, етимни урмас ўзбек.

Уч юз олтмиш томири ҳақ деб урар ўзбекнинг, Ўғлонлари кундузи юлдуз кўрар ўзбекнинг.

КИТОБ ЎҚИ

(Набирам Абдуллога)

Полвон болам, султон болам, хон болам, Мулло болам, тилло болам, жон болам.

Темурбекдан қолган ғайрат, журъатинг, Қўтурқлардан келган тоза қон болам.

Ўғузхоннинг қўшинида бор эдинг, Бувраҳонга ишда мададкор эдинг.

Ёв қуш бўлса, бамисли шунқор эдинг, Қий ёқмай ўтдинг, кўрсанг дон, болам.

Нафси шайтон кўтқусига учмадинг, Матлаб эди сенга мудом шон, болам.

Улугларинг хислатлари қонингда, Унутмагин зинҳор-зинҳор, жон болам.

Номардлару нокаслардан узоқ юр, Бўлгин мудом сен Ҳақикат ён, болам.



Муаллиф ҳақида: Ориф ҲОЖИ — 1966 йили Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида таваллуд толган. Ўн етти ёшидан бошлаб қарийб қирқ йил Самарқанд шаҳрида яшади, ижод қилди. Унинг “Банди рух” (1994), “Озод рух” (1994), “Янги оҳанглар” (2001), “Самарқанд сайқали” (2007), “Қирқ ҳа-дис ва бир ривоят” (2008), “Оналар оёғи остида жаннат” (2011), “Ишқ йўли” (2012) номли шеърый, “Оппоққина қўшгинам” (2009), “Оқ тулпор” (2010) номли ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Бу дунёнинг арзимас матоҳига, Алданмагин, алданиш ёмон, болам.

Ҳақни зикр эт, Ҳақни ёд эт ҳар нафас, Ғофил бўлма Ҳақдан бирор он, болам.

Парво қилма, Шайтон гар зуғум қилса, Ҳақ билан бўл, Ҳақ бўлар қалқон, болам.

Китоб ўқи, китоб ёдла, билгилки, Китобларнинг онаси Қуръон, болам.

САМАРҚАНД

Фалакка тиргагиндурлар минорлар, Қадимдан-да қадим бунда чинорлар,

Шифобахш сувларингга ташна лаблар, Етишсам, деб кезар қанча диёрлар.


Азизлар хоқидин бунёд замининг Кўзига тўтиё айлар беморлар.

Тикарлар молу ҳолу жисму жонин, Санга тўфроқ бўлай деб шахриёрлар.

Самарқандим, самар, қандим, Самар, Қанд — Вафога жонфидо вафоли ёрлар.

ТАЛҚИН

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега баъзи инсонлар билан бир деганда баъзиларини жинингиз суймайди? Жавоб эса оддий! Бу сизнинг руҳиятингизга боғлиқ. Психологияда инсон тоифалари бир неча назариялар орасида турлича таърифланади. Булар куйидагилар: холерик, сангвиник, флагматик, меланхолик. Ҳар бир назария инсоннинг хулқ-атвори, темпераменти, руҳий хусусияти ёки шахсиятига қараб ажратилади. Бу илмий назариялар оддий инсонлар бўлиши мумкин, аммо сиз ўз темпераментингизни рангларда тасаввур қилиб кўрганмисиз? Ҳаётимизда ҳар кун учрайдиган, биз билган оддий рангларда...



СИЗ ҚАЙСИ РАНГГА ТЕГИШЛИСИЗ?

Томас Эриксоннинг “Атроф тўла аҳмоқлар” китоби айнан юқорида кўтарилган мавзу бўйича ҳикоя қилади. Асар тили содда ва ҳаётга яқин услубда ёзилган бўлиб, инсонлар ўртасида мулоқотда кечадиган муаммоларни тушунишга ёрдам беради. Худди шундай инсон темпераментлари ҳам рангларда ифодаланади.

Қизил (доминант) — раҳбарликка интилувчи, қатъиятли ва натижани хоҳлайдиган киши. Психологияда бу тип холерик деб аталади. Сарик (таъсирчан) — ижтимоий, ижодий, қувноқ, кўпроқ фикр ал-машини яхши кўрадиган инсонлар тоифаси. Бу тип сангвиникка қиёсланади.

Яшил (барқарор) — тинчликсевар, сокин, дўстона, ўзгаришлардан чўчийдиган ва бир маромдаги ҳаётни афзал кўрувчи одам. Бу темперамента флагматик типдаги инсонлар кирди.

Кўк (аналитик) — фактларга асосланадиган, мукамаллиқни ёқтирувчи ва эҳтиёткор кишилар. Фан тилида бу типдаги инсонлар меланхолик деб аталади.

Томас Эриксон бу типларни таниб олиш ва уларга қандай муносабатда бўлиш ва зиддиятларнинг олдини олиш ҳақида фойдали маслаҳатлар беради. Китоб номи ҳам бекорга бундай танланмаган. Кўпчилик инсонлар бир-бирини тушунамайди. Тушунмагани учун тортишиб қолишади, тортишганларидан сўнг бир-бирини аҳмоққа чиқаришади. Ҳар бир инсон ўзга бир олам ва уларни тушуниш учун унинг психологик темпераментини англаб етиш керак. Томас Эриксон ҳар биримиз ҳаётда тўқнашадиган ҳолат — бошқарилган тушунмаслик, уларнинг ҳаракатини нотўғри талқин қилиш муаммосига чуқур эътибор қаратган. Кўплаб мулоқотларда юз берадиган тушунмовчиликлар аслида инсонларнинг турли психологик типлари туфайли содир бўлиши — бу оддий ғоя бўлиши мумкин. Лекин ҳаётий ҳақиқат ҳам...

Китобнинг энг ёққан жиҳати — муаллиф инсонларни тўртта ранг тоифасига ажратиб, ҳар бирининг ўзига хос хатти-ҳаракатларини, фикрлаш тарзини, кучли ва заиф томонларини жуда содда ва тушунарли тилда баён қилганидир. Айниқса, ранглар орқали одамларни таснифлаш (қизил, сарик, яшил, кўк) — бу мантиқан ҳам, эстетик жиҳатдан ҳам осон эсда қолади.

Мен ўзимни китобдаги сарик ва қизил ранглар оралиғида топдим — бу эса хатти-ҳаракатларимга танқидий ва тушунувчан назар билан қарашимга сабаб бўлди. Бундан ташқари, оила аъзоларим, дўстларим ва атрофимдаги бошқа инсонларнинг шахсиятини ҳам рангларда кўра бошладим. Бу эса муносабатларда илқиклини кучайтиришда менга анчагина ёрдам берди.

Албатта, китобнинг айрим ўринларида ғарб менталитетига хос мисоллар кўп учрайди. Бироқ бу китобнинг умумий қийматини асло пасайтирмайди. Аксинча, кишини уйга толдиради: “Мен бу вазиятда қандай рангман?”, “Мен бошқаларга қандай таъсир қиламан?”, “Нега мен баъзиларни дарров ёқтириб қоламан, бошқалар эса менинг асабимга тегади?”. Бу саволларни инсон ўзига бериши ўз устида иш-лашининг ва ички ўсишларининг белгиси, назаримда.

“Атроф тўла аҳмоқлар” — бу аслида одамларни аҳмоқликда айб-ламайди, балки ҳар кимни ўз ҳолича қабул қилиш, тушуниш кераклигини эслатади. Ҳар бир инсоннинг ўз тили, ўзича фикрлаш дунёси борлигини тан олиш — бу ҳақиқий оқиллик белгиси. Шу маънода, ушбу китоб атрофдаги “аҳмоқлар”ни эмас, балки ўзингизни кашф қилишга ундайди. Ишонмайсизми, ўқиб кўринг.

Дилдора ДҲСМАТОВА

ЭЪЛОНЛАР

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошида 2004 йили ташкил этилган “Университет” кредит уюшмаси 2010 йилдан буён фаолият кўрсатмаётганлиги туфайли ушбу уюшма давлат реестридан чиқарилаётганлиги маълум қилинади.

“Университет” кредит уюшмасини тўғатиш комиссияси.

Низомий номидаги Тошкент давлат университети томонидан Исакова Наргиза Абдусаматовна номига 2016 йил 12 августда берилган УЗУ-У №0Р 037970 (ид 29) рақамли сертификат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

“Тошкент шаҳар уй-жойларга давлат ордерлари ва маълумотномалар бериш маркази” давлат унитар корхонаси томонидан фуқаро Мавлянов Эргаш номига 1993 йилда берилган №05/01/11425 рақамли уй-ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

